

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

УДК 721.021.028

Қўлёзма ҳуқуқида

ДОСТОНОВ АЛИШЕР САЙДУЛЛАЕВИЧ

**“Самарқанд шаҳарсозлиги тизимларини замонавий
модернизациялашда яхлит композицион воситаларни қўллаш
усуллари”**

(Самарқанд шаҳри мисолида)

**5A340301-“Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш
жойларини комплекс қуриш” мутахассислиги**

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

**Диссертация кўриб чиқилди ва
химояга рухсат берилди.**

“Архитектуравий лойиҳалаш”

кафедраси мудири:

Зоиров Р.З

М.Ў.

Илмий рахбар:

Арх.ф.н.доц.Балгаев А.Б

Самарқанд-2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Факультет: Архитектура	Магистратура талабаси: Достонов А.С.
Кафедра: Архитектурарий	Илмий раҳбар: доц. Балгаев А. Б.
лойиҳалаш	Мутахассислик: 5А340103-Шаҳарсозлик
Ўқув йили: 2015-2016 йил	ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини
	комплекс қуриш

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Самарқанд шаҳрининг шаҳарсозлик тизимлари Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарлари қаторида бугунги кунда замонавий модернизация қилинмоқда. Шу билан биргаликда, тақдир лозимки, Самарқанд шаҳрининг композицион тузилишида фазовий узилишлар ва нотўғри архитектурарий режарий ечимлар вужудга келган. Диссертация ишининг мақсади Самарқанддек тарихий шаҳарни композицион тиклашда яхлит композицион воситаларни қўллашга йўналтирилган. Диссертацияда қўйилган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифалар бажарилган: Шаҳар композициясини шаклланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили; шаҳар композициясининг шаклланиш хусусиятлари ва унинг замонавий ҳолати; Самарқанд шаҳри тузилишида композицион алоқаларни ташкил этиш. Диссертация ишининг илмий янгилиги тарихий шаҳарларни лойиҳалашда ва қайта қуришда яхши композицион воситаларни қўллашдан иборат. Лойиҳалашнинг ушбу услуби тарихий шаҳарларни қайта тиклаш амалиёти учун қатта аҳамиятга эга. Диссертация ишининг натижаси тарихий шаҳарлар муҳитининг яхлитлигини сақлашдан иборат.

Илмий раҳбар:

доц. Балгаев А. Б.

Магистратура талабаси:

Достонов А.С

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	4
I-боб. Шаҳар композициясини шаклланишига таъсир этувчи	
омиллар таҳлили	6
1. Шаҳар композициясига таъсир қилувчи ҳудудий хусусиятлар	6
2. Шаҳар композициясини шакллантиришга таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар	13
3. Шаҳар композицияси борасида хорижий тажрибалар	14
1-боб бўйича хулоса	41
II-боб. Шаҳар композициясининг шаклланиш хусусиятлари ва	
унинг замонавий ҳолати.....	43
1. Шаҳарнинг функционал ривожланиш шартлари ва Самарқанд шаҳрининг композицион тузилиши (замонавий ҳолати)	43
2. Самарқанд шаҳрининг композицион шаклланиш хусусиятлари	46
3. Самарқанд бош режаси композициясининг типологик хусусиятлари.....	61
II-боб бўйича хулоса	65
III-боб. Самарқанд шаҳри тузилишида композицион алоқаларни	
ташkil этиш	66
1. Бош режа лойихаси боскичида Самарқанд шаҳрининг композициясин яратиш	66
2. Марказий ҳудудларнинг композициясини меъморий-лойихавий ташkil этиш	68
3. Турар жой ва яшил ҳудудларни композициясини меъморий лойихавий ташkil этиш	74
III- боб бўйича хулоса.....	77
Хулоса	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82
Иловалар.....	87

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Шаҳар марказий кўчаларини қайта реконструкция қилиш вақтида йул қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида яхлит композицион шакллардан фойдаланган ҳолда композицион воситаларни қўллаш керак. Бунда реконструкцияга тушган асосий кўчаларни реконструкция лойиҳаларида яхлит композицион элементлардан фойдаланишдан иборатдир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Самарқанд шаҳри ҳудудларида қайта қурилаётган ва қурилган, бузилиб қурилишга тушаётган объектларни тадқиқ қилиш, шаҳар кўчаларини замонавий модернизациялашда замонавий меъморчиликни шакллантиришда ва шаҳарсозликда ривожлантиришда керакли вазифаларни белгилаш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Самарқанд шаҳридаги янги ва эски шаҳар ҳудудларидаги амалга оширилаётган ва оширилган меъморчилик ва шаҳарсозликдаги амалга оширилаётган ишлар.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Архив, график ва нашрий материалларни ўрганиш лойиҳаларини яратиш усулларни шаҳарсозлик қоидаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: Шаҳарсозликда тарихий ва янги кўчаларини қайта таъмирлаш ишлари олиб бориш жараёнидаги камчилик ва ютуқларни амалиёт тажриба жараёнида илмий ўрганилиб меъморчиликнинг келгуси ривожда самарали фойдаланиш.

Тадқиқот натижаларининг асосий аҳамияти ва тадбиқи: Тадқиқот ишининг айрим натижалари тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси томонидан очиб берилган, олий таълим муассасаларидаги конференция ва илмий нашрларда очиб берилган.

Иш тузилиши ва таркиби: Диссертация-титул варағи аннотация, мундарижа, кириш, асосий қисм: 3-та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари: Ўрганилган архитектуравий тарихий ва ҳозиргача қилинган ишлар материал график қисми ҳамда тадқиқот хулоса ва натижалари Ўрта Осиё архитектураси шаҳарсозлиги бўйича махсус курсларга қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси: Самарқанд шаҳарсозлигида эски ва янги шаҳар ҳудудида кўчалар атрофининг анаънавий композицион яхлитлигини яратиш иши шаҳар ҳудуди келажакдаги лойиҳаларни тузиш жараёнида тарихий меъморчилик анаъналарининг назарда тутиш.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бу, аввало, меъморчилик ва шаҳарсозлик ёдгорликлари катта миқдорда сақланган жаҳон тамаддунининг энг қадимий шаҳарлари, йирик тарихий-маданий тузилмалар марказларидир. Ҳозирги кунда бу мамлакатнинг туристик имкониятлари асосини ташкил этувчи йирик маъмурий туристик ҳамда саноат шаҳарларидир.

Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тикланиши, иқтисодиётни бошқарувини қайта қуриш шароитида тарихий мерос бойликларини асраб-авайлаш, Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг меъморий-бадий ва ижтимоий-маданий имкониятларидан янада самарали фойдаланиш муаммоларининг умумдавлат аҳамияти кескин ошмоқда.

Шаҳар аҳолиси сонининг ошиши, ишлаб-чиқариш, транспорт, уй-жой ва қурилишнинг бошқа турлари ривож суръатининг замонавий жадаллашуви, атроф-муҳит ҳолатидаги ўзгаришлар маданий мероснинг сақланишига, композицион макон бузилишига ҳар қачонгидан кўпроқ таъсир кўрсатмоқда, тарихий ва бадий қимматга эга кўплаб объектларнинг йўқ қилинишига олиб келмоқда, шаҳарнинг табиий

манзарасининг вайрон этилишига, кўплаб тарихий шаҳарларнинг майдонлари ва кўчаларидан “тарихий рух” йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Меросни, шу жумладан, кўчмас меъморий-шаҳарсозлик меросини сақлаш ҳамда ундан фойдаланишнинг кенг кўламдаги муаммолари доирасида шаҳар мавзеларининг тарихий қисмлари, тарихий иншоотлар ҳудудини мослаштириш, тиклаш, кўллаб-қувватлаш, муҳофаза қилиш масалалари алоҳида ўрин тутди. Айнан мана шу, ҳажмига кўра чекланган ҳудудларда қарама-қаршиликларнинг энг мураккаб тугуни юзага келган, айнан ана шулар турли-туман ташкилотлар катта миқдорининг алоҳида эътиборини ва мувофиқлаштирилган хатти-ҳаракатларини ҳамда давлат ва жамоатчиликдан моддий-маънавий ёрдамини талаб қилади.

Тарихий шаҳарлар ва улар марказларининг ҳозирги ҳолати аксарият ҳолларда жисмоний эскириш ва ижтимоий таназзулга яқин. Меросни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик етарли даражада самара бермади. Уларда яшаш шароити паст даражада, аҳолини ижтимоий-демографик таркиби меҳнатни тадбиқ қилиш жойлари йўқлиги, коммунал-техник хўжалик, хизмат кўрсатиш ва ободончиликнинг қолоқлашуви туфайли ёмонлашиб бормоқда.

I-боб. Шаҳар композициясини шаклланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили

1. Шаҳар композициясига таъсир қилувчи ҳудудий хусусиятлар.

Самарқанд шаҳри – бутун жаҳонга ўзбек ўрта асрлар меъморчилигининг бетакрор ёдгорликлари билан машҳур, мураккаб режали тузилмасини сақлаб қолган, бутун тарихий “кўпқатламлик”ка эга бўлган энг қадимий шаҳарлардан бири.

Бундай шаҳарларнинг маркази ва тарихий ҳудудларининг лойиҳаси устида ишлаш лойиҳачилар олдига ҳал этилмаслиги лойиҳалаштиришга тўғри ёндашувга ғов бўладиган бир қатор вазифаларни қўяди.

1. Шаҳар кўп асрлик тарихий тараққиётининг Самарқанд режали тузилмаси ва меъморий-маконий қиёфасига таъсирини аниқлаш.

2. Ўтмишнинг сақланиб қолинган меросига ва уни ўраб турган муҳитга ўз муносабатини аниқлаштириш.

3. Тарихий қимматга эга ансамбллар-марказларнинг обод қилинишда сифат ва аҳамиятни имкон қадар тўлиқ аниқлаш имкониятини берадиган асосий муаммоларни ечишнинг композицион усуллари белгилаш.

4. Тарихий мероснинг марказдаги замонавий меъморчилик билан уйғунликда мавжуд бўлиши йўллари топиш.

5. Тарихий ҳудуднинг ҳам марказини, ҳам бутун шаҳарни ободонлаштиришдаги функционал ва композицион ролини белгилаб олиш.

Самарқанднинг барпо этилган вақтидан 2750 йил ўтган деб ҳисоблашади олимлар. Шаҳарнинг шаклланган тузилмасига унинг тарихий тараққиётининг таъсири даражасига кўра, асосий тўрт даврини кўриш мумкин: -

Эрамининг XIII асригача, XIII асрдан XIX аср охиригача, Октябр тўнтаришгача ва ундан кейинги даврлар. Ушбу даврлардан ҳар бири шаҳарнинг алоҳида ҳудудларининг қиёфаси ва тузилишида аниқ-равшан кўзга ташланади.

Эрамининг XIII асригача, шаҳар тараққиётининг тарихи дастлабки манзилгоҳлар макони Афросиёб билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мўғуллар истилосидан сўнг шаҳар жануб томонга силжийди. Афросиёбда ҳаёт тикланмайди ва шаҳар вайроналари кўп асрларда ташландик бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда Афросиёб – қазилма ишлари олиб борилаётган тепаликлар холос. Унинг ҳудуди орқали, қадимги йўللар изидан шаҳарни аэропорт ва Тошкент билан боғловчи магистраллар барпо этилган. XIV асрда Самарқанд – Темурнинг пойтахти бўлиб, карвон йўллари келиб уланадиган олти дарвозали девор билан ҳар томондан тўсилган шаҳардир. Шаҳарнинг ғарбий чегарасида қалъа (арк) – Темур қароргоҳи қурилади. Ўша даврларга, бизнинг кунларгача сақланиб қолган, ўз гўзаллиги бўйича

бетакрор бўлган ёдгорликлар ансамллари – Регистон, Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Бибихоним масжиди ва мақбараси харобалари, Улуғбек расадхонаси ва бошқалар тааллуқлидир.

XIV-XV асрларда Самарқанд маданий ҳаёт маркази, юксак даражада ривожланган ҳунармандчиликка эга, шаҳарнинг йирик савдо маркази.

Бозорлар, расталар, устахоналар, савдо тимлари ва гумбазлар, карвон саройлар нафақат асосий, балки иккинчи даражали кўчаларда ҳам жойлашганди.

1404 йилда асосий савдо кўчаларидан бири (Тошкент) қайта таъмирланади. Кўча бўйлаб расталари олдида октошдан супали бозор иншоотлари барпо этилганди. Кўчанинг бутун фронти бўйлаб гумбазли (аркли) том қурилади.

Шаҳар бу қисмининг селитеб ҳудуди ўзининг тарихий шаклланган ҳолатини ташқи томондан кам ўзгартирган; тор кўчалар ва боши берк кўчалар тармоқлари уни кичик мавзеларга ажратади, маҳаллий турдаги уйлар жуда зич жойлаштирилиб қурилган. Айрим манзилларда маҳалла масжидлари ва дарахтлар билан ўралган ҳовузлар сақланиб қолган.

Маҳалла чегарасида унчалик катта бўлмаган ички ҳовли, ҳовуз ва бир неча дарахтли турар жой ҳамда хўжалик иншоотлари зич жойлашган. Девор ортида яшил ўсимликлар қуюқлашади, уйлар дарахтларнинг қалин сояси остига беркинади. Шулар узра ёдгорликларнинг улуғвор мажмуалари қад ростлаган.

(Оби Машҳад ва Чашма) бўйлаб янги йўналишлар очилган: Комсомол, Регистон кўчалари.

Барча тарихий ташқи кўчалардан ягона йўналиш – ғарбий дарвозага олиб келувчи (Чорсуга) Бухоро йўналиши сақланган.

Қадимий Самарқанднинг композицион маркази – Регистон майдони ва Тошкент кўчаси, ўзининг савдо маркази мавқеини бугунги кунда ҳам сақлаб қолган.

Бир замонлар Темур саройини Регистон билан боғланган Кумуш расталар кўчаси ўзининг тижорий хусусиятини батамом йўқотган.

Шаҳар бу қисмининг умумий манзараси энг баланд нуқталар – Афросиёб ва қалъа (Темурнинг собиқ қароргоҳи)дан жуда яхши намоён бўлиб, умуман олганда ўзининг бетакрор гўзаллигини сақлаб қолган, лекин кейинги ўн йилликлар иншоотлари билан, афсуски, бу гўзалликка путур етказилган: босқичли мактаб ва Регистон атрофидаги турар жой иморатлари, универмаг ва кинотеатр; Гўри Амир ёнида меҳмонхонанинг 9 қаватли биноси, унинг олдида эса қаҳвахона қурилган.

1863 йилда Самарқанд Россия ҳудудига қўшиб олинди. Бу вақтда шаҳар замонавий эски шаҳар ҳудудини эгаллаганди. Марказ қалъа - хукмдорлар қароргоҳи ҳисобланиб, ундан шимолга томон ҳунармандчилик савдо марказлари ҳамда уй-жой иморатлари билан ўралган ёдгорликлар мажмуалари ястанган.

Бугунги кунда “эски” шаҳар – бутун шаҳарнинг деярли тўртдан бир аҳолиси истиқомат қилаётган энг йирик ҳудудлардан бири.

Бироқ аҳоли зичлиги юқорилиги гектарига 150-200 кишига етган марказий ҳудудларда қурилишлар характери шунга олиб келганки, ушбу ҳудуд ҳалигача маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ҳамда муҳандислик коммуникациялари билан етарли даражада таъминланмаган.

XIX аср охирида (ҳарбий муҳандислар режасига кўра) барпо этилган янги шаҳар, “эски”сидан ғарбда бўлиб, мустамлака даври шаҳарларига хос бўлган барча қирраларни умуман олганда сақлаб қолганди: Темурнинг

собик қароргоҳи ўрнидаги қалъа, унга нисбатан радиал жойлашган кенг кўчалар, ярим халқа йўналишида барпо этилган хом ёки пишиқ ғишдан бир қаватли иморатлардан иборат турар-жой маҳаллалари. Радиал йўналишлардан бирида, эски шаҳар чегараси бўйлаб (Оҳаликка йўл) жанубий-шарққа бир километрча чўзилган кенг (120м) хиёбон яратилган. Ҳозирги кунда бу шаҳар янги қисмининг энг хушманзара маконларидан



биридир.


Иккита яримхалқа магистраллар оралиғида марказий шаҳар боғи ва майдони барпо этилган. У бўйлаб борадиган кўча шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ҳисобланган. Унда дўконлар, кинотеатрлар, ресторанлар ва қаҳвахоналар жойлашган. Ўзининг аҳамиятини бугунги кунгача йўқотмаган.

Чор Россиясининг ҳарбий ҳукумати томонидан аскархоналар ҳамда омборхоналар учун эгалланган лойиҳалаштирилган марказ доирасидагик катта ҳудудлар сақланиб қолган ва Ҳарбий бошқармага қаршли ҳисобланади.

Стратегик масалаларда “эски” шаҳарнинг марказига бугунги кунга келиб, шаҳарнинг энг серкатнов транспорт қонтомирларидан бирига айланган магистраль – Регистон кўчаси очилаган. Октябрь тўнтаришидан

кейинги даврда шаҳар Шимолий-ғарбга ва ўқ йўналишлардан бирининг (Бухорога йўл) маркази билан боғлиқ темирйўл бекати томон ғарбга ривожланган, янги шаҳарнинг бош мажмуалари – қалъа ўрнида Маъмурият майдони, театр майдони ва шу қабилар шакллана бошлаган.

Хиёбон бўйлаб Самарқанд давлат университетининг бинолари жойлашган. Кўча бутун узунлигида пиёдалар қатновига мўлжалланган аҳолининг оқшомги ҳордиғининг анъанавий макони.



Кейинги йилларда шаҳарни ҳордиқ чиқариш маконлари билан боғловчи энг муҳим композицион ва функционал йўналишлардан бири – М.Горький номидаги хиёбон давоми ривожланди. Унда жойлашди: шаҳар кутубхонаси, архитектура-қурилиш институти, аёллар пед-ўқув юрти ва бошқа ўқув муассасалари.

Ўқ йўналишларининг бир қисми ҳозирги пайтда шаҳарнинг энг муҳим транспорт қонтомирлари ҳисобланади. Улар бўйича ҳаракатланувчи шаҳар транспорти, яримхалқали магистраль (Совет кўчаси)га уланаркан, хиёбон орқали Регистон ва Тошкент кўчалари билан бирлашиб, шаҳарни аэропорт ҳамда Тошкентга чиқиб кетадиган йўл билан боғлайди.

Регистон, Бибихоним ва Шохи Зинда ансамблларига бевосита яқинликда жойлашган кўчаларда жамланган ҳозирги транспорт

катновининг катта оқимлари оқибатида меъморий ёдгорликлар секин-аста емирилмоқда.

**Асосий ечимлар шаҳарнинг бош режаси схемасига
жойлаштирилган.**

**2. Шаҳар композициясини шакллантиришга таъсир қилувчи
ижтимоий-иқтисодий омиллар.**

Истикболдаги Самарқанд - республиканинг йирик саноат, маданий, илмий маркази ва шу номдаги вилоятнинг маъмурий маркази. Бироқ, шаҳардаги ниҳоятда бой тарихий меросини ҳисобга олган ҳолда у Ўзбекистоннинг ҳалқаро ва маҳаллий туризмнинг марказига айланади.

Самарқанднинг ҳисобдаги аҳолиси беш юз минг киши. Аҳолининг ўсиши жанубий-ғарбга, Дарғом каналига чиқишига, лойиҳалаштирилган шаҳарнинг жанубий чегараси бўйлаб ўтадиган сув йўлига томон кўзланган.

Шаклланган ўқ магистралларнинг шаҳарнинг истикболи ривожланишини ҳисобга олган ҳолда замонавий режасининг таҳлили янги марказ ансамбллари тизими қуриладиган композицион ўқ – Горький номидаги хиёбон ва унинг Дарғом каналигача давомининг бош режаси схемаси тўғри танланганини яна бир қарра тасдиқлайди (Марказий майдонга нисбатан ўқ ҳисобланган Фрунзе кўчаси моҳияти ҳеч қаярга бўрмайди. Шаҳар лойиҳасида у ўзининг иккинчи даражали хусусиятини сақлаган ҳолда майдонга яқинлашиш чоғида кичик бўлақда марказнинг алоҳида функционал ҳудудларининг пиёдалар алоқалари аҳамиятига эга бўлади).

Умуман олганда марказнинг меъморий-мақоний композицияси икки ўққа асосан қурилади: бош-Афросиёбдан Дарғомгача, иккинчиси

марказни кесиб ўтувчи, у шаҳарнинг маданият ва ҳордиқ боғини, режалаштирилган ҳудуд марказини ва шаҳарнинг марказий ҳамда шимолий-ғарбий қисмларида жойлашган асосий саноат ҳудудларини бирлаштиради.

Тарихий ҳудуд ўзига хос хусусиятларини сақлагани ҳолда шаҳар тузилмасига киритилган.

Унинг атрофида яратилган боғлар халқаси шаҳар ҳудудларидаги янги қурилишларга аста-секин ўтиш имкониятини беради.

Дарахтзорлар тизими шаҳар композициясига уйғунликда тадбиқ этилган. “Яшил” ўқлар шимолга чиқади – Сиёб ариғи ва дам олиш ҳудудлари ташкил топаётган Дарғом канали томон жанубга. Сув ҳавзалари тизими ҳамда лойиҳалаштирилаётган декоратив канал дарахтзорлар билан бирикмада шаҳарга жанубий руҳ бағишлайди.

Магистраллар тизими мавжуд тармоқни максимал даражада сақлаб қолиш, марказ билан тарихий ҳудудни транспортнинг серқатнов оқимларидан ажратишни ҳисобга олиб ҳал этилган. Транзитли оқимлар учун шимолий ва жанубий айланма йўналишлар кўзда тутилган.

Замонавий шаҳарсозлик тузилмаларининг шакллантиришнинг композицион тамойиллари (лойиҳалашнинг хорижий тажрибалари)

3. Шаҳар композицияси борасида хорижий тажрибалар.

Ҳозирги архитектура учун янги шаҳарлар барпо этиш, шаклланган шаҳарларда бунинг оқибатида ўз тузилмасини анча ўзгартирадиган катта куламдаги қурилишлар ҳосилдир. Униси ва буниси ҳолларда ҳам яхлит ҳолда шаҳар композициясини шакллантириш муаммоси юзага келади.

Биринчи навбатда, шаҳар фақатгина меъморий ансамбллардан иборат бўлиши мумкин эмас – бу шаҳарсозлик тизимининг асосий уйғунлигига путур етказган бўларди. Масалан, Ленинграддаги Невский проспектининг композицияси Воронихин, Росси, Захаров меъморий

ансамбллари нейтрал оддий иморатлар билан ажратилган ва бир вақтнинг ўзида кўзга ташланмайди.

“... Шаҳар вазифаларини санаб ўтиш мумкин бўлган бир хилдаги элементлардан эмас, балки кучли элементлардан ва нейтрал ёки тилшунослар таъбири билан айтганда маркерланган ва маркерланмаган элементлардан тўқилган матодир ... Ҳар бир шаҳарда ритмга ўхшаш нимадир мавжудлиги эҳтимолдан йироқ эмас ... ва шу ритм маркерланган ҳамда маркерланмаган элементларнинг қарама-қаршилиги, кетма-кетлиги ва бирикувидан иборат”.

Турар жой иморатларининг йирик массивлари замонавий шаҳарнинг меъморий қиёфасини шакллантиришда катта роль ўйнайди ва шаҳарнинг композицион тизимига унинг бадиий ташкил этилган элементлари сифатида уйғун киритилиши лозим. Шу билан бирга, қисқа муддатларда улкан массивлар билан амалга оширилаётган оммавий уй-жой қурилиши – архитектура тарихида янги ҳодиса. Уни шакллантириш тамойилларини меъморчилик ансамбли моҳиятини анъанавий тушуниш нуқтаи назаридан ўрнатиш хато бўларди.

Меъморчилик ансамбли барпо этилишининг анъанавий тамойиллари оммавий уй-жой қурилиши учун мувофиқ эмас, чунки бу ерда мумтоз ансамбль шаклий асоси – бош ва иккинчи даражали элементлар йўқ; монументал архитектура кўламлари билан уларнинг чуқур бирикишини талаб қилувчи фронтал ёки ўқ бўйича ривожланувчи композициялар қурилиши учун зарурий элементлар ҳам мавжуд эмас. (Маълумки, йирик кўламли жамоат иншоотлари уй-жой мажмуаларининг тузилмаси учун типик эмас; бу – ижтимоий марказлар ҳамда йирик магистралларнинг элементларидир).

Оммавий уй-жой иморатлари шаҳарнинг композицион тизимидаги ўз бадиий аҳамиятига кўра – унинг умумшаҳар ва туманлар марказлари ҳамда магистраллари каби ижтимоий меъморчилик элементларидан ташкил топган шаҳарнинг структур картасидаги ячейкаларни нейтрал тўлдириш,

“илғор” шаҳарсозлик элементлари учун фондир (осмонўпар бинолар, уларнинг гуруҳлари, бетакрор ансамбллар ва иншоотлар).

Замонавий турар-жой иншоотларини бадиий ташкил этиш усуллари – архитектура ансамблининг қурилиш тамойилларига нисбатан умуман ўзгача; бу – ўзининг композицион хусусиятларига кўра нейтрал бўлган яшаш муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос қонуниятларидир.

Шаҳарнинг турар-жой муҳитини меъморий ташкил этишнинг энг уйғун усуллари орасида – иморатлар массасини тақсимлашнинг хушманзаралигини, унинг элементлари – кўлами, ранг-пластик ечимларининг композицион хусусиятларидаги нозик муносабатлар; “буғилган, хиралаштирилган” ритмлар, истиқболлар ранг-баранглиги; турар жой мажмуаларининг ўзига хос қирраси сифатида асимметрик ҳолати кабилар. Меъморий композициянинг метрик тизимлари сингари анъанавий воситалари замонавий оммавий турар жойлар қурилишида истиқболга эга эмас. Ленинграддаги Новоизмайловский проспектининг иморатларида дастлаб қўлланилган турар жой биноларининг баландга ва горизонталга ҳажмларини кетма-кетлиги усули бошқа композицияларда такрорлангач, тез орада штампга, сийқаси чиққан усулга айланди! Типик биноларнинг метро-ритмик жойлашуви улардан ташкил топадиган турар жой мажмуаларининг бир хиллигини кўп жиҳатдан кучайтиради.

Замонавий архитектура тенденциялари ўзига хос: турар жой биносининг шакл ўзига хослигидан, тугаллигидан воз кечиш, йирик ҳажмларни бўлакларга интилиш, хушманзара шаҳарсозлик пейзажини шакллантирувчи архитектура масалаларини тақсимлашга мойиллигини кабилар. Кейинги йиллар шаҳарсозлик амалиётида кенг тарқалган ва рельефдан фойдаланиш, мавзеички маконларни ташкил этиш, бинолар жойлашиши масалаларида устиворликларга эга хушманзарали режалаштириш усули турар жой иморатларининг органик тузилмаси – замонавий шаҳар манзарасининг кўп планли маконий “мозаика”сини яратиш имкониятини берувчи бадиий сифатларга ҳам эга.

Шаҳар турар жой маконларинг функционал вазифаси табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлган қулай яшаш муҳитига айлантириш. Турар жой комплексининг бадий, образли мазмуни шундан иборатки, у монументал меъморчилик ансамбли эмас, балки кундалик ҳаёт учун шинам ва қулай муҳитдир. Яшаш муҳитини шакллантиришнинг асосий функционал асослаган тамойиллари – атроф муҳитнинг қўлами ва ранг-баранглиги, турар жой ҳамда хизмат кўрсатиш бинолари, дарахтзорлар гуруҳлари ташкил этилган турар жой мажмуаси микромайдонининг хушманзаралиги. Турар жой иморатларининг композицион маконий алоқалари пиёдалар ҳаракатининг янги йўналишларига жавоб бериши лозим. Янги, энг характерли турар жой ҳудудларининг композицияларининг шу тамойилга асослаган бўлиб, бу ерда жамоат иншоотлари – дўконлар, мактаблар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари – пиёдалар йўлаклари ҳудудида жойлашган. Бу иморатлар қўлами ва пластикасининг хусусиятларини, демакки, шаҳар панорамасидаги унинг аҳамиятини ҳам белгилайди.

Лойиҳалар ва қўплаб амалга оширилган турар жой комплексларининг таҳлили замонавий шаҳарсозликдаги оммавий уй жой иморатларини шакллантириш усуллари унинг шаҳар бадий тизимидаги аҳмиятига мос келади. Турар жой мажмуаси шаклининг концепцияси қуйдаги композицион тамойилларга асосланади: оммавий мавқега эга турар жой ва жамоат биноларининг (турли узунлик ва қаватлиликка эга) яшил очиқ макондаги хушманзаралилиги; рельеф ўзига хосликларига урғу бериш, шаҳарсозлик композициясига табиат шакллари – сув ҳавзалари, кўкаламзорларнинг қўшилиши; бинолар ҳажмининг пластикаси – қайрилма, зинадор, блокланган ва бошқалар.

Замонавий шаҳар ҳаётининг мазмун-мундарижаси жамоатчилик биноларининг катта мақдорини, жамоатчилик марказларини ривожлантиришни қатъий талаб қилади; шаҳар ансамблини яхлит шакллантиришда улар алоҳида ўрин тутаяди.

Шаҳарнинг индивидуал қиёфасини яратишда жамоатчилик марказининг ёки аҳолида уникал иншоотнинг роли улкандир. Масалан, Волгограднинг қиёфаси кўп жihatдан қирғоқ бўйи композицияси билан, унинг кенг зиналари ва пиллапоялари билан боғлиқ; Набережные Челны шаҳрининг лойиҳасида, шаҳар панорамасида меҳмонхонанинг баланд айлана биноси “алоҳида белги” вазифасини ўтайди.

Шаҳарларнинг жамоатчилик марказлари – монументал архитектура мажмуаллари бўлиб, уларнинг барпо этилишида жаҳон архитектурасининг кўп асрлик амалиётида ишлаб чиқилган композицион усуллардан кенг фойдаланиш мумкин. Бироқ меъморий ижодкорликнинг ушбу соҳасида ҳам кўплаб позициялар жиддий ўзгаришларга учрамоқда.

Транспорт алоқалари воситаларининг ривожланиши асосий турар жой массивларини шаҳарнинг четки ҳудудларига жойлаштиришга ёрдам беради. Шаҳарнинг маркази асосан ижтимоий мазмун касб этади – унда маъмурий ва илмий муассасалар, савдо ва томоша корхоналари жамланади.

Замонавий шаҳар маркази шаҳарнинг йирик ҳудуди ҳисобланади. Бу энди асосий жамоатчилик бинолари жойлаштирилган бош кўча ва майдоннинг ёпиқ ягона макони эмас. Шаҳар катталигига боғлиқ ҳолда марказ ҳудуди турли ҳажмга эга бўлади, унинг меъморий композицияси эса – мураккаб ҳажм-макон тузилмасини касб этади. Йирик шаҳарнинг замонавий умумшаҳар маркази кўп тармоқли полицентрик маконий тизимдан иборат; пойтахт маркази – бу шаҳарда катта тармоқланган ҳудудни эгалловчи кўп тармоқли мажмуадир.

Траспорт ва пиёдалар ҳаракатининг ажратилиши шаҳарсозлик композициясининг (транспорт магистралларидан ва пиёдалардан йўлакларидан қабул қилиш шароитлари) тўртинчи (замоний) улчами кўрсаткичларини ҳисобга олиш зарурлигини исботлайди. Замонавий жамоатчилик марказлари учун катта давомийлик хос бўлгач ансамбл

асосини бу ерда бутуннинг элементлари орасидаг маконий алоқа – шаклланаётган ансамблни изчилликда кенгайтириш ташкил этади.

Йирик монументал иншоотларни ўз ичига олган жамоатчилик маркази қиёфасининг характери шаҳарнинг умумий қиёфаси ифодасини-унинг манзарасининг умумий қабул қилинишини белгилайди. Марказнинг композицион тузими уч ўлчамлигини баланд бинолар, ёруғлик-ранг ва хоказолар бирикувида таъкидланиши табиий.

Жамоатчилик марказининг архитектура шакллари кўлами ҳақидаги ҳар хил таасуротларни яратиш зарурати юзага келади: уларни шаҳар панорамасида ва ичкаридан – марказнинг архитектура муҳитида идрок этилишида. Марказ маконида “акцентли” иншоотларни жойлаштиришда кенг қадам шаҳар панорамасига органик тадбиқ этилган йирик кўламли маконий ритмни яратади; марказнинг ички маконларини ва ҳажмий пластик шаклларини янада майда бўлақларга ажратиш унинг муҳитни инсонга мувофиқлаштиради.

Йирик замонавий шаҳар композициясидаги янги муаммолар катта жамоатчилик маконлари билан бир қаторда уларга ҳажм жиҳатдан тенг турар жой маконларининг пайдо бўлтиш яратилди. Магистраль ёки майдонга очиқ бўлган ушбу маконлар кўп холларда жамоатчилик биноларига қараганда аҳамиятлироқ кўринади. Бу хол қаватли турар жой бинолари орасидаги курднернинг тенглиги майдон кенглигига тенг бўлганда юз беради. Кенг ва узокқа чузилган магистраллар ўзининг катталиги билан шаҳарсозлик композициясининг кульминацион пункти бўлиши лозим бўлган майдон катталиги босиб кетади (Москванинг аксарият майдонлари ва магистралларининг лойиҳалари шунақа).

Замонавий шаҳарнинг композицион структурасини шакллантиришнинг тамойиллари турлича: у маконда бир-бири билан боғлиқ бўлмаган архитектура акцентлари тизимида қурилиши мумкин (мисол учун, шаҳар панорамасида баланд ҳажмлар туркуми); макон ва

замонда ривожланувчи ўзаро мослаштирилган ансамбллар тизимидан иборат бўлиши мумкин.

Жойлаштириш гуруҳий тизимларининг ривожланиши кўплаб композицион тамойиллар ва усулларнинг ўзгаришига олиб келади.

Ушбу мураккаб маконий тизимларни меъморий ташкил этиш зарурати аҳолини жойлаштириш тизимига киритилган шаҳарларнинг ҳажмли ва маконли элементлари ўзаро мутаносиблиги муаммосининг қайта уйлаб кўрилишини талаб қилади. Мослашувчи шаҳарсозлик шакллари барпо этиш қонуниятларини ишлаб чиқишга ўткир зарурат пайдо бўлади. Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши замонавий архитектура назарияси ва амалиётининг мақсадига айланмоқда.

Акцентли иншоотлар пластикаси

Акцентли иншоотларнинг пластикаси вазифалари локал объектнинг образли ифодавийлиги муаммоси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан чегараланмайди. Бугунги кунда бундай иншоотларда шаҳарсозлик планидаги муҳим ташкилий ибтидони кўриш зарурати яққол сезилмоқда.

Пластик ифодавий архитектура шакллари воситалари билан маконни ташкил этиш азалдан акцентли иншоотларга хосдир. Бироқ уни ҳал қилиш усуллари бизнинг кунларда муқаррар ўзгаришларни бошидан кечирмоқда.

Бир томондан, алоҳида иншоотларга нисбатан архитектура композициялари усуллари ва воситаларининг жиддий ўзгариш юз бермоқда. Шу билан бирга, акцентли объектларнинг фон мухитини ташкил замонавий мавзелар-(манзилгоҳлар)нинг архитектура тўқимаси кескин ўзгармоқда.

Замонавий меъморлар ижодиётида архитектура иншоотларининг ўзига хос ифодавийлиги яратишнинг муҳим воситаси сифатида пластика муаммоси 1970-йилларда илгари сурилган. Айнан ана шу даврда объектларнинг типологияси ва уникаллик даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда архитектура ифода тилининг ривожланишида пластиканинг роли

яққол сезила бошлади. Шаҳар тўқимасининг яхлит ҳолда пластик моделлаштиришнинг ҳам зарурати яққолроқ намоён бўлди.

Ижодиётнинг асосий хусусияти сифатида пластик моделлаштиришга таянувчи шакл яшашнинг умумий жараёнида муайян фарқларни кўриши мумкин бўлиб, улар бир ҳолатда замонавий селитебли ҳудудларнинг асосий “массиви”ни ташкил этувчи оммавий характерга эга иморатлар билан, иккинчи ҳолатда эса, индивидуал ечимга эга, шаҳарнинг меъморий тўқимасининг пластик катализаторлари сифатида вазифа бажариши лозим бўлган акцентли иншоотлар билан боғлиқ бўлади.

Замонавий шаҳарнинг меъморий тўқимасига хос хусусиятларни аниқ тушунмасдан акцентли иншоотларнинг композицияси тўғрисида гапириб бўлмайди. Бизни қизиқтираётган муаммода уни ташкил этувчи элементлар ва муҳит сифатида шаҳар тўқимасининг маконий-пластик тавсифи энг муҳим кўрсаткичдир. Конкрет вазиятлар бутун ранг-баранглигида шартли равишда урбанизацияланган тўқиманинг икки турини алоҳида ажратиш мумкин бўлиб, унга исталган иншоотлар, жумладан, композицион етакчи бўлиши керак бўлган иншоот ҳам киритилиши мумкин.

Биринчи турдаги шаҳар тузилмасида, қоидага мувофиқ, индустриал асосда юарпо этиладиган турар жой ва жамоатчилик биноларининг асосий массаси бинонинг энидан узунлигининг контрастли устуворлиги, фасади юзасининг ҳажми чуқурлигидан устунлиги натижаси ўлароқ юзага келадиган шаклнинг чизиқли-давомий, чизиқли-текислик хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу турдаги “элементлар”дан шакллантирилган селитебли мажмуа композицияси “чизиқли-график” маконий структура қирраларига эга.

Қизиғи, замонавий ҳайкалтарошликда тахталанган металлдан пластик композициялар, кўп сонли “симли рельефлар”да архитектура тилига муқобиллар топиш қийин эмас; замонавий санъат тарихига мурожаат этарканми, В.Е.Татлиннинг маконий рельефлардаги шакл хусусиятларини

ёдга олмасдан иложимиз йўқ. Шу тарзда кўриб турибмизки, бу турдаги шакл “шаклнинг” услубий талқинига яқин мақомга эга бўлди.

Шаҳар тузилмасининг бошқа тури, уни биз шартли равишда “хушманзарали пластика” деб атаймиз, шаклнинг яққол ифодаланган ҳажман пластик хусусиятларига эга иншоотлар (“элементлар”) асосида шаклланади. Яқин кунларгача бизнинг тасаввуримизда архитектура муҳитининг бундай хусусияти асосан шаҳарларнинг тарихий шаклланган фрагментлари билан ассоциалашиб, бу ерда уй-ҳажмлар бир-бирларига жипслашиб, пластик масса бўлиб ёпишганча ҳажман маконий структуранинг муракаб шаклини кўпайтиради. Ҳозирги вақтда аҳвол ўзгармоқда. Замонавий архитектура – ўзининг уникал иморатларида эмас, шаҳарнинг оддий тузилмасида – архитектур “модда”нинг айнан шу қонунлар бўйича ривожланиш имкониятлари, эҳтимол, заруратини ҳам исботлар экан, муқобил ечимларнинг намуналарини фаол таклиф этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, шаҳар тўқимасининг у ва бошқа турлари муайян ижодий афзалликлар натижаси эмас. Бу кўз ўнгимизда юз бераётган шакл яшаш объектив жараёнларининг ўзига хос акс этишидир.

Табиийки, акцентли иншоотларнинг пластик композицияси тамойиллари шаҳар тўқимасининг турига бевосита боғлиқ бўлади. Акцентли иншоотларнинг пластик табиати гўё у ёки бу турдаги шаҳар тўқимасининг ўзига хосликларини ўзида жамлайди ва бир вақтнинг ўзида уларни атрофдагилардан алоҳида ажратиб турадиган композицион “йўл”ни таклиф этади.

Шаклнинг чизиқли хусусиятлари устуворлиги (горизонтал ва вертикал давомийлиги, уларнинг турли бирикувлари ва ҳосилалари) архитектура иншоотлари композициясида ҳажмлилиқнинг исталган намоёнларини янада контрастли қилади. Шаҳар тўқимасининг кўриб идрок этиладиган табиати ўзгарди. Массанинг жипслиги, “пластикаси” маконни қатъий структурлаш билан (вақтинча?) алмашди.

Янги тўқималарнинг жадал ўстириб борилиши шароитида уни ташкил этишнинг ички қонунларини англаб етиш эҳтиёжи, у ёки бу усулларни ишлаб чиқаришгина эмас, шаҳар организмнинг замонавий тараққиёти қонуниятларининг моҳиятига кириб боришнинг ўткир зарурати янада яққолроқ сезилмоқда.

Ушбу ҳолатда юзага келадиган структурлаш қай даражада структурлаш, яъни замонавий шаҳарсозликнинг муҳим эҳтиёжлари ички уйғунликда ифодаланиши масаласи бизни қизиқтирмайди: биз учун бундай шароитда акцентли иншоотлар қандай композицион рол бажариши муҳим. Бу турдаги иншоотларни композицион алоҳида ажратишаг имконият яратувчи усулларни қидириш узок вақт мамлакатимизда ва хорижда шаҳар тўқимасини ҳосил қилувчи барча “элементлар” – ҳам оддий, ҳам акцентлиларнинг меъморий кўламининг асосий пластик хусусиятлари айнанлиги тамойили асосида олиб борилди. Фон иморатларга нисбатан контрастли бўлган шаклнинг иккиламчи элементлари ривожланди: архитектура деталлари, юза фактураси ва текстураси ҳажм ўзгартириш мақсадига эга бўлмаган юзани калоритли “инкрустациялар” (фрагментлар) татбиқ этилган.

Кўп қаватли турар жой иморатлари қуршовига жойлаштирилган жамоатчилик иншоотларини композицион аниқлаш вазифаси меъморчилик амалиётида юзага келганига анча бўлган. Мисол учун, алоҳида декоративли, баъзан очикчасига ноқонструктив архитектура деталларининг мактаблар, болалар муассасалари, жамоатчилик-савдо марказлари (янги Белграднинг иморатлари)да фойдаланишига асосланган югославиялик архитекторларнинг усули ўзига хос аҳамиятга эгадир. Ленинградлик архитекторлар томонидан саноат ишлаб чиқариш турар жой ва жамоатчилик биноларининг фасад юзасининг метро-ритмик қиёсланишига асосланган усул ишлаб чиқилган. Украиналик мутахассислар Киев, Донецк ва бошқа шаҳарларнинг жамоатчилик биноларининг турар жой мажмуаларидаги ролини таъкидлаш учун

монументал-декоратив санъат воситаларини кенг қўлламоқдалар. Венгрия, Германия, Болгария сингари мамлакатларда ҳам изланишлар муқобил йўллар билан олиб борилмоқда.

Акцентли иншоотлар композициясининг бу турдаги усулларининг қонунийлигида бизнингча бино ҳажмининг геометриясига татбиқ этилган архитектура шаклининг хусусиятларини ишлаб чиқиш усули энг мақбулидир. Гап шаклни унинг иккиламчи ифодасида (у ёки бу деталлар) эмас, балки унинг асосий маъно-мазмунда қидириш тўғрисида бормоқда.

Замонавий архитектурада кейинги ўн йилда иншоотлар композицияларининг ҳажмий хусусиятларини аниқлашга мойиллик, шакл геометриясининг ифодавий имкониятларини, унинг образли тўйинганлигини аниқлашга интилиш кузатилади. Бунга яққол далил – турли вазифага эга йирик жамоатчилик биноларини лойиҳалаш ва қурилишнинг кенг амалиётидир.

Ҳақиқий ижодий амалиётда ушбу муаммони ҳал қилишда икки йўналиш шаклланган. Улардан бири ҳажмли шаклларнинг, жумладан, юза эгрилиги билан яратилган шаклларнинг энг содда турларидан кенг фойдаланишга таянади. Булар асосан зал типдаги иншоотлардир. Тошкентдаги санъат Саройи, Ленинграддаги марказий спорт аренаси, бцирк биноларининг кўп сонли гуруҳлари (Москвада, Горькийда, Сочида, Ярославлда, Қозонда, Бишкекда, Олма-Отада ва бошқаларда) шу типдадир.

Биноларнинг цилиндрик шакли, диаметр узунлигидан катта бўлмаган баландлиги, том сифатида ҳар хил турдаги қоплама ва гумбазлардан фойдаланиши – бунинг барчаси шакл ҳажмига урғу бериш, шаҳар тўқимасига пластик акцентларига, доминантларни, атрофдаги иншоотлар шаклларининг чизиқли-текислик геометриясини жорий этиш имкониятини яратади.

Шаклнинг тўғри бурчакли геометриясига эга яқка ҳажм (эгричизиқли ҳосилалар асосидаги ҳажмларга нисбатан) замонавий шаҳар тўқимасида кам самарали бўлиб чиқди, айниқса, шаклнинг ўзи қўшимча элементлар ва

деталлар ҳисобига, улардан гўё “тозаланган” ҳолда мураккаблашмаган ҳолатларда.

Иншоотлар композициясининг пластиклик тамойилларини ривожлантирувчи иккинчи йўналиш мураккаб ташкил этилган шакл ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ бўлиб, унинг ҳажмилилик сифати маконни структурлаш асосида юзага келади. Ушбу концепция намоёни билан иншоотлар композицияси бир-бирига нисбатан аниқланган ҳажмлар тизими сифатида талкин этилган ҳолларда тўқнаш келамиз. Уларга, аввало, содда геометрик шаклларнинг бирикиши мансубдир – фақат тўғри бурчаклиларнинг эгричириклилар билан ҳамда ўз навбатида у ёки бу характердаги ҳажмларнинг мураккаб ўзгаришлари (тўғри ва эгри ясовчилар ёрдамида яратилган)дан фойдаланиш йўли билан ҳосил бўладиган мураккаб тузилмалар.

1970-йиллар собиқ совет архитектурасида ушбу тамойилга мурожаат дастурли хусусият касб этди. Шакл геометриясини мураккаблашган тушунишга таянувчи композицион аниқланган структурлаш тамойилининг ўзи бугунги кунда меъморчиликнинг бир қатор усталари “дастхати”ни белгиловчи ижоднинг аста-секин шаклланаётган концепцияси негизини ташкил этди.

Таъкидлаш ўтилган ҳодиса ленинградлик архитекторлар амалиётида янада яққол кўзга ташланади. Бу турдаги дастлабки таклифлар қаторида Ленинграднинг Сиренли хиёбонидаги савдо маркази бўлиб, блоклаштирилган ҳажмларнинг деярли дағал (брутал) артикуляцияси билан ажралиб туради. Ёруғлик ва соя қарама-қаршиликлари, таянч деворларнинг ғиштин теририлишининг “очиқ” тектоникаси билан намоёниш этилган структурланган шакл замонавий архитектура композицияларда ҳажм ролини оширишга дастурли даъво сифатида қабул қилинган.

Шу йўналишдаги қизиқарли изланишлар объектлари Ленинград саноати учун кадрлар тайёрлашнинг кенг дастури билан боғлиқ ҳолда амалга оширилаётган ишлаб чиқариш техник билим юртлари (ИЧТБЮ)

биноларидир. Саноатнинг кўплаб жабҳалари бунда кўрсатаётган манфаатдорлик билим юртлари конкрет функцияларнинг изчил ишлаб чиқиши, ҳар бир ҳолатда шаҳарсозлик вазиятининг ўзига хослигига таянувчи композицион ечимларнинг образли бетакрорлиги билан ҳам фарқ қилувчи индивидуал объектлар сифатида лойиҳалашни амалга ошириш имкониятини яратади. Шуларнинг натижаси ўлароқ ҳақли равишда шаҳар доирасида акцентли бўлагн бир қатор иншоотларнинг яратилиши бўлади.

Улардан энг яхшиларининг муҳим фазилатларидан бир деб уларнинг ҳажмли-маконли тузилмасининг ўзига хослиги, пластик фаол, ҳақиқий маънода тегишли ҳудудда қуриладиган акцентли иншоотларни барпо қилиш воситаси сифатида шакл геометриясининг қатъий ўзига хослигини ҳисоблаш мумкин.

Қоидага мувофиқ, Ленинград билим юртлари биноларининг атрофини ёки тарихий шаклланган (шаҳар марказида), ёхуд замонавий турар жойлар ўраб турибди.

№90 БЮ композицияси асосида – ўзаро боғлаган ҳажмлар тизими бўлиб, уларнинг геометрияси ва вазифаси ўзаро бир-бирини тақазо қилади ва умумий ният ифодасининг ўзагини ташкил этади. Ўқув корпусларинг тўғри бурчаклари томоша зали – аудиториянинг олти бурчакли ҳажми воситасида ўзаро шарнирли бирикиб, шаҳар маконига томон кенгайган, очилган композицияни ҳосил қилади. Ётоқхонанинг кўп каватли параллелепипеди ўзидан паст ўқув блокига асимметрик ёндашиб, маконда ҳамда пластик равишда умумий структурани ривожлантиради, уни кўчанинг тизимига қўшилишига кўмаклашади.

Структуранинг пластикасига нафақат шаклнинг ўзига хослиги билан, балки уларнинг геометриясини намоён қилувчи ҳажмлар таққосланиши билан эришилади. Алоҳида блоklarнинг (ишлаб чиқариш, яшаш, жамоатчилик) шакллларининг ҳар хил катталиклари, уларнинг геометрик хусусиятларидаг фарқлари ўйналади. Параллелепипедлар гуруҳига олти бурчакли призманинг киритилиши ҳажмли-пластик мураккабликдек

муҳим сифатни композицияга тадбиқ қилиб, “чизикли-график” структура тамойили бўйича шакллантирилган турар жой иморатлари куршовида БЮ мажмуасини алоҳида ажратиб туради.

Ленинграднинг Звёздная кўчасида №7 БЮ ҳам умуман олганда шу тамойилаг асосланган. Бир-бирига жипс уланган, блоклаштирилган ҳажмлар тизими ўзининг геометриясида ҳар бир бўғиннинг функционал ўзига хослигини аниқ-равшан намоён этади. Бу ерда бинолар баландлида ҳажман контрастлар камроқ. Ҳажмли-маконли структура жипс бирикиб, гўё ҳажмлар йиғиндисини ҳосил қилади. Бироқ мана шу бутунликдан олинган таассурот ҳам, бирикувчи элементлардан ҳар бирининг қандай ўқилиши ҳам — ҳажмларнинг фаол намоён этилган пластикаси натижасидир. Бутун композицияда пластик шакл сифатида кўринмайдиган битта бўлак топилмайди. Аксинча, барча блоklar кубсимон шаклга эга. Уларнинг маконий туйинтирилганлиги (шаклнинг ички “таранглиги”) худдики ўзининг ички зуриқишида таранглашган деворларнинг мулойим юмолоқланишлари билан намоён этилади. Бу хоналар ўзига хосликларига (ишлаб чиқариш корпуслари, аудиториялар, маъмурий хоналар ва хокозолар) буйсинган ўзгача туйнуклар бўлиб, улар параллелепипедлар геометриясини тектоник мураккаб, кўп турли “ишловчи” шаклларга ўзгартиришга ёрдам бераркан, ғишт деворлар қалинлигини эркин кесиб ўтадилар.

Ленинградлик архитекторлар ишини собиқ совет архитектурасига 1970-йилларда хос бўлган шакл яшаш тенденциясининг намоёнларидан бири сифатида қараш лозим. Шаҳар тўқимасини унинг пластик католлизаторлари бўлишга қодир акцентли объектларни киритиш йшли билан ташкил этиш тамойилари, ҳажмни пластик моделлаштиришнинг конкрет усуллари ва воситалари сингари бугунги кунда мамлакатда шаклланган алоҳида архитектура мактаблари томонидан ўзига хос талқин этилмоқда.

Оммавий иморатлар (ялпи қурилишлар)ни шакллантиришнинг пластик воситалари

Меъморчилик мажмуаларининг эстетик хусусиятлари ҳар хил маконий сатҳларида – мажмуанинг умумий композицион ечими билан боғлиқ шаҳарсозлик, шу мажмуанинг элементлари – алоҳида биноларини пластик ишлаб чиқиш сатҳларида шаклланади. Шунга мувофиқ замонавий меъморчилик мажмуаларини пластик тузилишига кўмаклашувчи ва биз шартли равишда “пластик воситалар” деб номлаган композиция воситаларини ўрганиб чиқиш таклиф этилади.

Пластик воситалар визуал идрок этиш билан фарқланувчи, яъни йирик фасадли юзаларнинг бўлакланиш, ёруғлик-соя фаоллиги, материалининг бир хиллиги ва ҳоказолар бўйича муносабатлари сифатида фарқланувчи турли элементларнинг муносабатлари деб ўрганилиши мумкин. Ушбу муносабатлар фарқланиш ёки айнанлик, контраст ёки нюанс сифатида намоён бўлади. Улар маконий тузилиш тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиради, меъморчилик мажмуасининг объектларидаги мазмуний фарқларни ифодалайди, шаҳар тўқимасининг визуал мураккаблашуви ёки тартибланишига кўмаклашади. Шаҳар иморатлари катта массивларини комплексли шакллантиришда ва архитектура комплекслари композициясининг муайян компонентлари сифатида пластиканинг роли йирик ҳажмлардан фойдаланишда айниқса муҳимдир. Бундай шароитда нафақат алоҳида бинолар, балки йирик бўлмаган массивларни композицион ташкил этиш мақсадида алоҳида объектларнинг пластик фаоллигини мувафиқлаштириб, умумий ҳажмли-маконли ният таъсирини кучайтириб пластик воситалардан тўлиқ фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Шаҳар муҳитини шакллантиришнинг замонавий шароитида идрок этилишининг яхлит объектлари бўлиб, алоҳида биноларгина эмас, маконда ўзаро боғланган йирик меъморий ҳосилалар чиқар экан пластика ўзига алоҳида вазифаларни олади. Бундай шароитда, биринчи навбатда, йирик ҳажмларни ўзаро ва меъморий – табиий атроф муҳит элементлари билан

бирлаштириш зарурати юзага келади, иморатларнинг энг аҳамиятли элементларига ўрғу бериш, иморатлар алоҳида бўлакларининг пластик ранг-баранглиги ва умуман йирик меъморий мажмуалар ҳар хиллиги шароитига риоя қилган ҳолда биноларнинг алоҳида массивларини ажратиб турувчи майдонларни аниқлаш эҳтиёжи туғилади.


Шаҳар иморатларининг массивлари муайян нукталардан кўп режали сифатида қабул қилинади. Улар ҳар хил шакл, баландлик ва ҳоказолар проекциялари қаторининг маконда қатламланиши натижасида визуал шакланади.

Йирик массивларнинг панорамали манзаралари янги ҳудудлар ва шаҳарлар учун айниқса характерли бўлди. Маконий қатламланиш, хусусан-биноларнинг пластик муносабатларининг роли мураккаб рельеф шароитида айниқса ошади, чунки бундай вазиятларда узоқ план яхши кўринади ва шу планлар сони ҳам кўпаяди. Ушбу шароитда меморчилик мажмуаси йирик массивларининг пластик компонентларининг ўзаро ва меъморий-табиий атроф муҳит элементлари билан боғланиши зарурати юзага келади.

Шундай пластик алоқани намоиш этувчи мисолга мурожаат қиламиз. А расмда Велико-Тирново (Болгария)даги турар жой панорамаси келтирилган. Мажмуанинг табиий муҳит билан бирлигининг шарти архитектура ва табиий элементларнинг муайян белгиларга кўра тенглиги ҳисобланади. Болгариялик меъморларга архитектура билан хушманзарали табиий фон боғликлигини топишга имкон яратган усул асоси ҳам шаклда, ҳам фасадлар плактикасида қатъий ўтиб боровчи горизонталларсиз мураккаб шакиллардан фойдаланиш ҳисобланади.

Атрофдаги табиий элементларнинг ўзаро ва архитектура билан композицион муносабатларининг бойлиги хусусан меъморий элементларнинг ички ўзаро алоқаларига ҳам тегишли бўлиб, композицион қатъийлик ва бир хилликдан озод комплекснинг пластик ранг-баранглилигини ҳосил қилади. Яхлит ҳолда массив ёруғ ва сояга

тўйинтирилган ҳамда табиатга яхши уйғунлашган ҳайкални эслатади. Мажмуа пластик тузилмасининг асоси бўлиб, оқиш ва қорамтир горизонталлар ўзаро алоқаси хизмат қилади.



Расм А. Б. В.

А. Велико Тирново. Мажмуа пластикаси ва табиий қуршов боғлиги.

Б. Минскдаги Восток микрарайони. Минораларга палстинкали урғу бериш. В. Кельндаги турар жой мажмуаси. Туйнукларни шакллантиришнинг фаол элементлари билан истиқомат муҳитини пластик ташкил этилиши. Балконлар ва лоджияларни вертикалларнинг мураккаб тизими билан мувофиқлаштирилиши.

Ушбу тармоққа мажмуа структурасини бўларларга ажратувчи турар жой блоклари ҳам қўшилади. Бу жойларда мажмуанинг турли маконли режаларининг мустаҳкам пластик алоқалари ҳосил бўлади. Пластика бойлигига элементларнинг минимал миқдори билан, асосан турар жой блокларининг бирикув нукталарида уларни вертикал бўйича силжитилиши ёрдамида эришилади.

Табиий шакллар билан контекстда қабул қилинувчи пластик мавзулар мураккаблиги архитектура ва табиатни нафақат визуал сатҳда, балки семантик жиҳатдан ҳам боғлайди. Шаклий композицион элементларнинг тенглаштирилиши ушбу элементларнинг образли-мазмуний бирлаштирилишига олиб келади. Архитектура мавзусининг мураккаблиги ушбу ҳолатда Болгариянинг турар жой иморатлари учун хос бўлган мураккаб меъморий табиий ҳосилалар билан ассоциацияланади.

Бир хил фасадларни бошқалари фонида кўришда ўзгача вазиятлар юзага келади. Кўп планли композицион қурилмалар шароитида маконга оид планларнинг пластик фарқланиши эҳтимоли муҳим. Замонавий мажмуалар учун хос бўлган қурилмаларнинг кўп планли массивлари объектив жиҳатдан уларнинг макондаги тузилиши тўғрисидаги визуал муайян ахборотни ташийти ва пластика уни ривожлантириши ёки, аксинча, нивелирлаши мумкин. Кўпгина ҳолларда ҳар хил қаватли бинолар ҳосил қилувчи маконли планлар фасадлари энг муҳим пластик белгиларига кўра тенг бўлганида визуал жиҳатдан ўзаро бирикади. Мазкур вазиятларда йирик мажмуалар маълум нуқталардан визуал фарқланмайди, худди “ёпишиб тургандек” кўринади. Бу ҳодиса мураккаб рельефдаги жинс қурилиши шароитида кучаяди, чунки бир хил пластик ҳосилалар, бир хил ёруғ-соя структура ёки рангли бир вақтнинг ўзида қабул қилинувчи планларининг миқдори кўпаяди.

Турар жой иморатларининг панорамаларида визуал манзара кўп ҳолларда лоджиялар ва балконлар гуруҳлари ҳосил қилувчи фаол вертикал элементлари билан шакллантирилади. Бунда фаол вертикалли бир хил фасадли юзалар устида муқобил вертикалли фасадлар қад кўтарган. Инсоннинг қурилиш бўйлаб ҳаракатланишида визуал жиҳатдан силжир экан, улар деформация таассуротини ҳосил қилади. Агар баландлиги турлича бинолар пластикаси турли белгиларга кўра шаклланса бу ҳолат юз бермайди. Унда бир хил планли вертикаллар горизонтал жойлаштирилган элементлар ёки бошқа пландаги нейтрал пластик мавзу билан ўзаро

боғланиб, архитектура мажмуаси композициясининг маконини аниқлашга кўмаклашиб, ушбу планларни аниқ фарқлайди. Таъкидлаш муҳимки, маконли планларнинг визуал фарқланиши энг муҳим белгилари бўйича пластика фарқлари – ёруғ-сояли структурада ифодаланган фасадлар бўлакланиши хусусияти, ранги ёки деворнинг тешиклари билан тўлдирилганлик даражаси, уларнинг ўзаро жойлашуви ва ҳоказолар бўйича фарқланиши билан таъминланади.

Квартал ички қурилиши шароитида биринчи пландаги ва иккинчи пландаги биноларнинг узилишидаги пластик муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади. Бинолар орасидаги узилишлар, айниқса уларнинг масофаси катталигида – иморат пластикасига бевосита даҳлдор бўлган композицияда қонуний ҳодисадир. Бу ерда контраст энг самарали ҳисобланади. Агар биринчи план пластик тўйинган бўлса, унда узилиш композицион разрядка бўлиб, хизмат қилиши мумкин ва аксинча – осойишта, нейтрал биринчи планда узилиш пластик фаол бўлади.

Минора туридаги уйлар биринчи планга чиқаркан ҳамда иккинчи ва учинчи планлардаги бир ёки бир неча чўзилган фасад юзаларига проекцияланаркан, ўзининг ҳажмли-маконли хусусиятлари бўйича бутун композицияга мазмундорлик бахш этувчи акцентли элементлар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ пластик муносабатларнинг фон билан ноаниқлиги туфайли улар кўп ҳолларда бу вазифани бажармайдилар. Ушбу объектларнинг фон билан бир хил ишлаб чиқилани сабабли улар ҳатто турли нукталардан қаралганда ҳам у билан қўшилиб кетади. Шу сабабли лойиҳалаштиришда ҳақли равишда миноралар пластикаси билан фон объектлари контрастига асосланган усуллар юзага келади.

Меъморий мажмуаларни яхлитлик ва ранг-барангликка эришишда йўналтирилган пластик тузилиши элементларининг айнанлиги билан фарқларининг муайян ўзаро нисбатларига, яъни айрим умумий белгиларни ҳам, контрастли муносабатларнинг ривожланишига ҳам асосланиши лозим. Умумий пластик белиларнинг композицияда рангли ечим билан

ўзаро боғлиқ ривожланиши меъморий муҳитнинг визуал яхлитлигини таъминлайди ҳамда архитектурани индивидуаллаштиришда унинг образини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Кельн шаҳридаги турар жой архитектурасида мажмуа композициясидан ўтиб борувчи асосий ташкил этувчи белгилар сифатида бирламчи пластик элементлар – деразалар ромлари келади (В расм). Махсус опалубкада амалга оширилган бетон деворларнинг йирик фактурасида оқ туйнуклар атрофи ва оқ гултуваклар фаол ажралиб туради. Дераза ромларининг бу икки тури (бири юмалоқ четли, бошқаси тўғри бурчакли), элементлар умумий композицион тизимида яққол ифодаланиб, бир вақтнинг ўзида визуал умумийлиуни ҳам ушбу муҳитда зарурий фарқларни яратадилар. Дераза хошияларининг оқ ромлар, панжаралар, зиналар тўсиқларининг қизил ранги, часпаклар шакли билан бир қаторда композицияни ташкил этувчи белги хусусиятлар сифатида келади. Ушбу рангли контрастлар тизими билан ўзаро боғланган фаол пластик элементлар, турар жой муҳитининг ўзига хос эмоционал иқлимини шакллантиради.

Оммавий (ялпи) қурилишнинг шаклланишида пластик воситаларнинг (келтириб ўтилган ва бир қатор бошқа объектларнинг) таҳлили лойиҳалаштириш жараёнида улардан мақсадли фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатади. Бу ўринда пластик элементларнинг турлича маконли сатҳлардаги муносабатлари ҳамда уларнинг ҳар хил имкониятлари намоён бўлади. Агар йирик панорамаларнинг шаклланиш сатҳида иморатларнинг зарурий ранг-баранглигини яратиш, меъморий мажмуа композициясини табиий қуршов билан боғлаш, турлича маконли планларни пластик воситалар билан визуал фарқлаш, алоҳида бинолар ва бинолар гуруҳларига урғу бериш имкониятини яратувчи йириклаштирилагн ва визуал жиҳатдан етарлича мураккаб пластик ҳосилалар муносабатлари муҳим бўлса, унда идрок этишнинг яқин ҳудудларини ташкил этишда, айниқса, ички маконларда майда пластик элементлар ва уларнинг “камерли” меъморий маконни

индивидуаллаштириш имконини берадиган муҳим белгиларга кўра муносабатларининг роли ўсади. Мана шуларнинг ҳаммаси пластикани унинг асосий функцияларини тадқиқ этиш мақсадида композиция назариясининг алоҳида объекти сифатида ажратишни долзарблаштиради.

Магистраллар оралиғидаги ҳудудларда шаҳарсозлик композициясида кўчанинг ўрни.

Профессионал-шаҳарсозларнинг касбий онги ривожланишининг тенденцияларидан бири ва меъморчиликка оид матбуотдаги кўп сонли чиқишларнинг мавзуси шаҳарнинг образли структурасида анъанавий, шаҳар маконини шакллантиришнинг тарихий юзага келган турлари: кўчалар, майдонлар, ҳовлилар ўйнайдиган роли ҳамда эгаллаган ўрнини эътироф этиш ҳисобланади.

Узоқ давом этган тарихий тараққиёт йўлида юзага келган ва мустақкам ўрин эгаллаганбу категориялар шаҳар муҳитини идрок этиш ҳамда ундаги ўзни тутишни тушунтиришнинг мураккаб жараёнларга таъсир кўрсатувчи (бу таъсир ҳамма вақт ҳам сезилмасада) ижтимоий-маданий маъноларнинг мураккаб мажмуини ўзида ташийди. Ушбу анъанавий шаҳар маконларини шаҳарсозлик “лексикони”дан олиб ташлаш шаҳарнинг ижтимоий-маданий контекстини ҳамда унинг эстетик мазмуини қашшоқлаштиради. Бироқ шаҳарлар мутлақ ҳажмларининг, яъни шаҳар магистралларининг уларда мавжудлиги (1) шаҳарсозлик композициясининг анъанавий ва ноанъанавий элементларини шаҳар маконларининг аниқ структурланган ва идрок этишга қулай иерархиясига киритилишини тақазо этади: “Яшаш муҳитининг меъморий ташкил қилиниши шаҳар маконлари ва шакллариининг аниқ тушиниладиган катталиқ шкаласининг яратилишини талаб қилади – ташқи жамоатчилик маконлари иерархияси орқали яхлит ҳолда шаҳар манзилгоҳлари субмаконидан мирорайон турар жой ҳудуди кўламигача” (2). Шаҳар

маконлари иерархиясидаги оралиқ сатҳлардан бири магистраллар билан бевосита маконли-режали ва функционал ўзаро таъсирида бўлган магистраллар оралиғидаги ҳудуд (МОХ) ҳисобланади. Шаҳарсозлик лойиҳалаштиришнинг объекти сифатида магистраллар оралиғидаги ҳудудлар СНИП турар жой ҳудудларининг шаҳарсозликни лойиҳалаштиришдаги асосий структур бирлиги сифатида микрорайонларни композицион бутунликка бирлаштирувчи (ўтмиш шаҳарсозлик қоидаларидан фарқли равишда – мисол учун, “брендмауэр қоидалари”) ҳеч қандай макон – композицион ўлчамларни белгиламайди. Микрорайоннинг ижтимоий демографик хусусиятлари берилади – аҳоли сони ҳамда хизмат кўрсатиш муассасалар мажмуи ва кўлами кабилар. Ягона макон-композицион қоида микрорайонларни қизил чизиқлар чегарасида жойлаштириш зарурлиги бўлиб, бу турар жой кўчаларининг тўлиқ маконий ва вазифавий бир хиллиги шароитида етарлича ёрқин ҳамда мустақил макон образини ҳосил қилиш учун қифоя қилмайди. алоҳида ҳолларда микрорайонлар (айниқса тажрибавийлари) мустақил макон образини касб этсада, шаҳарнинг макон образини ҳосил қилишда микрорайонларнинг роли унчалик катта эмас (4). Микрорайонлардан фарқ қилиб, МОХ визуал қабул қилиш осон бўлган аниқ белгиланган макон чегараларига эга ва бу ўз навбатида уларнинг шаҳарнинг композицион яхлит қисмлари сифатида талқин қилиш имконини беради. Бунда МОХлар ҳамиша микрорайонларнинг бутун сонига эга бўлади, бу эса амалдаги шаҳарсозлик нормативларини лойиҳалаш жараёнидаги қўлланилишини осонлаштиради. Шу хусусиятларига кўра магистраллар оралиғидаги ҳудудга кейинги йилларда кўпроқ комплексли шаҳарсозлик объекти сифатида қаралмоқда ва шаҳар маконига оид вазифали структурасининг нисбатан автоном элементи деб қабул қилинади (5). Магистраллар оралиғидаги ҳудудлар майдони ва конфигурациясига кўра фарқланади. Уларнинг ҳажми шаҳар марказидан узоқлашгани сайин катталашиб боради. Марказни эса магистраллар (ёки давоми магистраллар бўлган

кўчалар)нинг учрашадиган ҳудуд сифатида тасаввур қилиш мумкин. Четки МОҲлар жуда катта кўламга етиб, ўрта асрларнинг Лондон, Флоренция, Париж, Новгород сингари шаҳарлари билан майдони жиҳатдан тенглашиши ёки улардан ҳам катта бўлиши мумкин. Барча бу шаҳарлар анча мураккаб маконли режали структурага ҳамда пухта ишлаб чиқилган шаҳарсозлик композициясига эга бўлишган. Ўрта асрлар шаҳри билан замонавий МОҲнинг макон тузилмасидаги муқобиллаштирилиши тўғри эмас; шу билан бирга шаҳарнинг ҳажман катта ва структур автономияга эга бўлакларини анчайин мураккаб, композицион мазмундор макон-режали ташкил этилиши, айниқса, индустриал уй қуриш технологияси билан иморатларнинг композицион ранг-баранглигига қўйиладиган чекловлар шароитида, яққол зарурлиги сезилади. Шаҳар муҳитини қабул қилиш муаммосига бағишланган кейинги йилларда чоп этилган тадқиқотларда унинг “мураккаблик”дек тавсифи (хусусияти)га катта аҳамият берилмоқда. Табиийки, яхлит ҳолда шаклларнинг тартибланганлик шароитида (хусусан, шаҳарсозлик, макон, композицион) мураккабликнинг муайян даражасигина қабул қилиниши мумкин. Ҳар бир шаҳарсозлик композициясига мураккабликнинг маълум оптимуми зарур. Бир томондан, психофизиологик ва психологик тартиб сабабли – диққатнинг оптимал жамланишини таъминлаш учун.

Иккинчи томондан, тадқиқотларнинг кўрсатишича, мураккаблик омили шаҳарсозлик композициясининг эстетик қабул қилинишида ҳа асосий роль ўйнайди. Бу ўринда Ю.М.Лотманнинг “Ҳар бир бадиий асар уни қабул қилишнинг икки қарама-қарши механизмлари мавжуд бўлишини кўзда тутиши тўғрисидаги фикрига машҳур муқобилликни кўриш мумкин: онгсиз, “автоматик” ориентацияни таъминлаш механизми ва шу билан бирга ориентация автоматизминини бузиш механизми (биз кўшимча қилишимиз мумкин – бадиий вазифаси қисман ва қатъий белгиланган), уларга кўра асарни тузиш усули, унинг структураси ахборот ташувчига айланади” (6).

Шаҳарсозлик композицияси осон ўқилувчи, ориентация учун қулай, ижтимоий маданий тажрибада мустақамланган маконларни (кўча, ҳовли, майдон) анча мураккаб ва ранг-баранг бирикмаларда ишлатиши муҳимдир. Шаҳарсозлик композициясини ташкил этишда шаҳар маконини структурловчи коммуникация каналарининг аҳамияти айниқса катта. Мураккабликни режалаштирувчи композиция эстетик сифатининг мезони сифатида ўрганувчи тадқиқотчилардан бири шу ҳолга алоҳида аҳамият беради. Коммуникацияларнинг ҳар бир тизими: тўғрибурчакли, ярим доира шаклидаги, концентрик ва ҳоказолар шаҳар маконини қабул қилишнинг ёлғиз ўзигагина хос ракурсларини белгилайди.

Бир планда ушбу тизимларни турли комбинацияларда мужассамлаштириш кўриб олинadиган таассуротларнинг катта ранг-баранглигини таъминлайди. Шу тарзда, уйғунлаштирилган коммуникацион тизимлар миқдори уларни ҳажмли мужассами учун ностандарт композицион вазиятлар миқдорини, бинобарин, режали композиция мазмунини белгилаб беради. Тарихий шаклланган шаҳарлар режасининг мураккаблик даражасини уларнинг табиий ҳажмлари билан таққосланиши шуни кўрсатадики, шаҳарнинг ҳар қандай ҳажмига режали композициянинг муайян мураккаблик даражаси мувофиқ келиши керак” (7). Ушбу хулоса яхлит шаҳар режасидан унинг нисбатан автоном қисмлари, хусусан, магистраллар оралиғидаги ҳудудларга ҳам дахлдор бўлиши мумкин. Уларнинг ҳажмларига яхлит ҳолда МОҲ композициясининг структур равшанлиги сақланган шароитда мураккабликнинг маълум даражаси мос келиши лозим. Режали композиция мазмундорлиги кўп жиҳатдан уйғунлашган композицион тизимлар миқдори билан белгиланаркан, МОҲ коммуникацияларнинг ривожланган тармоғига эга бўлиши керак. Шу сабабли коммуникацион тармоқларнинг зичлиги МОҲ шаҳарсозлик композициясининг мазмундорлигини оширишнинг муҳим воситасига айланиши мумкин. Амалда бу МОҲ кесишувлар кўп миқдorigа эга транспорт-пиёда ва пиёда

ҳаракатланиш кўчаларининг анчайин зич тармоғига эга бўлиши зарурлигини англатади. Агар, моҳиятан, шаҳар ички йўлларида иборат бўлган магистрал кўчаларда кесишмалар сонининг кўпайиши салбий ҳолат бўлса, МОҲ ичидаги пиёда ва транспорт-пиёда (транспорт қўлланилиши чекланган) кўчаларда бундай кўпайиш нафақат визуал муҳитни бойитади, балки маконий ечимларга зарурий мослашувчанликни таъминлаган ҳолда функционал кўрсаткичларни яхшилайти. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўча тармоғининг зичлиги иморатлар зичлиги билан барқарор боғлиқ бўлиб (8), унинг ошиши (юқори санитар-гигиеник кўрсаткичлар сақлангани ҳолда) шаҳарсозликнинг замонавий босқичида долзарб вазифаси ҳисобланади.

Бироқ режали композиция мазмундорлигининг даражаси қандай бўлмасин, у мувофиқ ҳажм-маконда амалга оширилишни талаб қилади. Бир хилдаги режавий ечимлар асосида ҳар хил маконий ечимлар олиниши мумкин.

Қулайлик жиҳатидан мослаштирилмаган, режавий структура билан етарлича узвий боғланмаган иморат режадаги композицион имкониятларни нейтраллаштириши ва аксинча, режавий ҳамда ҳажм-маконий структура ўзаро таъсири шаҳарсозлик композициясини бойитиши мумкин. Масалан, янги қурилишларнинг кўплаб ҳудудларида эркин режалаштиришнинг қўлланилишида коммуникацион ва ҳажм-макон структурасининг мослаштирилмаганлиги “хаос монотонияси”ни юзага келтириб, уларнинг маконий образининг кескин қашшоқлашувига олиб келган. Ҳамма жойда қўлланилаётган эркин режалаштиришнинг бадиий натижаларидан қониқмаслик оқибати қизил чизиқлар бўйлаб кўчаларда қурилишга қайтиш бўлди. Бу коммуникацияларнинг композицион ролини кучайтиради, янги қурилиш ҳудудларини маконий ташкил этилишига маълум структур аниқлик бахш этади. Шундай бўлса-да квартал ҳажмини камайтирмасдан периметрал қурилишнинг оммавий қўлланилиши хаос монотонияси билан алмаштирилиши хавфини тўғдиради. Қизил чизиқ

бўйлаб жойлашган уйлар ортида улкан, ҳажман Дворцовая ёки Марс майдонидан ҳам катта, ўзлаштирилмаган ва ўзлаштирилмайдиган квартал ички маконлар мавжуд. Уларнинг ўзлари бунда ҳеч нарсани тўсиб турмаган деворлардек ёқимсиз таассурот туғдиради. Шаҳар ҳудудларининг ошиб бораётган танқислиги шароитида квартал ички маконлар эртаки-кечми, кўп ҳолларда периметр бўйлаб жойлашган уйларга қараганда юқорироқ меъморий сифатдаги уйлар билан тўлдирилади. Бундай уйларнинг шаҳарсозлик-композицион имкониятлари дастлабки режали композиция туфайли чекланган бўлади.

МОҲ доирасида кўчаларнинг ривожланган ва иерархиялашган тармоғининг яратилиши магистраллар ва пиёдалар кўчалари маконларини композицион мувофиқлаштириш масаласини мос ечишга имконият яратарди. Пиёдалар ҳаракатланувчи кўчалар маконларидан магистраллар маконларига ўтиш, масалан, ўз кўламига кўра оралик мақомидаги МОҲнинг чегараловчи магистралларини ўзаро боғловчи МОҲ транспорт-пиёдалар бош кўчасининг макони билан амалга оширилади.

МОҲнинг замонавий майдонларида бундай кўча узунлиги 1.5-2 км.га тенг бўлиши, яъни пиёдалар маршрутининг йўл қўйилган ҳажмдан каттароқ бўлиши керак. Қиёслаш учун эслатиб ўтамизки, кўпчилик шаҳарлардаги пиёдалар кўчалари 1 км.дан ошмайди. Елисей майдонлари ва Нева проспекти кабилар узунлиги икки километрга яқинлашади (2000 ва 2850 метр). Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бунадай кўчалар нафақат визуал ориентирлар билан, балки режага оид воситалар – ён томондан истиқболлар очилиши, майдонлар яратилиши йўли билан визуал образни бойитувчи ён кўчалар билан кесишмалар ёрдамида қисқароқ бўлакларга ажратилиши лозим. Бундай турдаги шаҳарсозлик композициясининг мумтоз намунаси бўлиб, Невский проспекти ва унга дахлдор кўчалар, майдонлар, сув ҳавзалари хизмат қилади.

Бундай катталиқдаги кўча, табиийки, фақатгина турар жой учун мулжалланмайди. У ўзига яқин атрофдаги турар жой ҳудудларига хизмат

кўрсатиш вазифаларини ҳамда умумшаҳар аҳамиятига эга хизмат кўрсатувчи, одатда магистралларда жойлашадиган муассасалар бир кимини олиши мумкин ва шу туфайли магистраллардан пиёдалар оқимлари четлаштирилади.

Магистраллар оралиғидаги ҳудуд кўчма маънода ўз маркази, бош кўчаси, магистралларга МОҲ кўчалари билан кесишув жойлари – “дарвозалари”га эга “шаҳар ичидаги шаҳар” сифатида талқин қилиниши мумкин.

Анъанавий тарзда шаҳар композициясининг аҳамиятли, “тугун” элементлари марказий майдон, бош кўча ва шаҳар деворлари ҳисоблаган. Дарвозалар яқинида ибодатхоналар барпо этилган. Шу сабали МОҲ кўчаларида магистралларга бевосита чиқиш жойларида савдо ва хизмат кўрсатиш умумшаҳар ёки туман аҳамиятига молик корхоналарнинг жойлаштирилиши нафақат функционал, балки мувофиқ композицион воситалар билан ўйналиши мумкин бўлган маданий-рамзий маънога ҳам эга бўлиши мумкин. Кўча бўйлаб МОҲ ичига ҳаракатланишда умумшаҳар аҳамиятига молик хизмат кўрсатувчи корхоналар туман миқёсидаги муассасалар билан алмашиши мумкин. Бундай муассасалар йиғиндиси МОҲнинг режаси ҳамда макон-ҳажмли композиция воситалари билан алоҳида ажратилган ва қўллаб-қувватланадиган ўз марказини яратади.

Магистраллар оралиғидаги ҳудудлар ичида функционал ва композицион ранг-баранг кўчаларнинг ривожланган тизими яратиш янги қурилишлар ҳудудларининг визуал образини жиддий бойитиши, шаҳар муҳитининг сифатини ошириши мумкин.

Меъморий полихромиядан шаҳар колористикасига.

Полихромия – кўп ранглилик, ранг-баранглик.

Маълумки, ранг шаклдан узилган ҳолда, шакл ҳам рангсиз мавжуд бўлмайди. Бизни ранг-баранг олам қуршаб туради. Ушбу шубҳасиз фактни

англаш меъморий композиция муаммоларини, меъморчилик бадий воситалари ўзаро таъсири масалалари; улар орасида архитектура полихромияси муҳим ўрин тутади, тадқиқоти учун катта аҳамиятга эгадир.

Колористик компонент меъморчилик фазосини шакллантиришнинг ва меъморчилик иншооти тектоникасини аниқлашнинг барча босқичларида объектив иштирок этади. Полихромия объектни мувофиқ кўринишга олиб келиб, архитектура шаклини визуал идрок этилишини мувофиқ тарзда таҳрир қилиш имкониятини яратади.

Газонлар ва гулзорларнинг суғорилиши томчилатиш тизими билан амалга оширилиб, у мустақил ирригацион тизим ёки шаҳар водопровод тармоғига уланган бўлиши мумкин.



I боб бўйича хулосалар

Шаҳарнинг замонавий архитектура-режали тузилиши ва бош режа схемасига татбиқ этилган ечимнинг қўйилган масалалар билан боғлиқдаги

таҳлили шаҳарнинг маркази ва тарихий ҳудудини ҳал қилиш асосига қўйилувчи қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Истикболда яриммиллионлик аҳолига мўлжалланган шаҳар қўламига қарамасдан Самарқанд шаҳрининг меъморий-маконий қиёфаси кадимий шаҳар ўзига хослигини, умумий шакл-шамойилини ва шаҳарнинг тарихий қисмига кириб келишдаги атрофдаги ландшафтни сақлаб қолиши зарур.

2. Шаҳар марказининг ҳам, тарихий ҳудудларнинг ҳам ҳал қилишнинг функционал-композицион негизи унинг ривожланишининг ҳар хил даврларини акс эттирувчи, шакланган структураси ва бадиий қиёфасининг “қўп қатламлиги” сақланган ҳолда ягона бўлиши лозим.

3. Нафақат бетакрор ёдгорликлар ва алоҳида иншоотлар, балки тарихий ансамблларни идрок этиш шароитини белгиловчи ва улардан ажралмас бўлган иморатларнинг режали структураси ҳамда хусусиятлари ҳам сақланиши лозим. Бу ёдгорликларнинг алоҳида ансамблларини кўриш билан боғлиқ анъанавий таассуротларини сақлаш имкониятини яратади.

4. Анчайин компакт ҳудуддан иборат шаҳарнинг тарихий шаклланган қисми уни “нейтрал” ҳудуддан ажратиш имконини бериб, имкони борича уларнинг ўзаро сингиши эҳтимолини истисно қилиб, функционал ва композицион алоқаларини сақлаб қолади.

5. Тарихий ҳудуд қўламини ҳисобга олиб, унинг доирасида “ўлик” кўрикхона ҳудуди яратиш фикридан воз кечиш зарур.

6. Тарихий шаклланган функционал ҳудудлар (савдо кўчалари) ҳамда турмушни гуруҳли ташкил этиш тамойилари (маҳалла марказлари)ни максимал даражада муҳофазалаш, айрим ҳолларда эса тиклаш лозим.

7. Шу ҳудудда яшовчиларни қулайликнинг барча турлари билан таъминлаш учун унинг маконда шаклланишининг эстетик характери ва тамойили сақланишини ҳисобга олиб шароит яратиш керак.

8. Шаҳарнинг тарихий қисмида атроф муҳит муҳофазаси даражаси, иншоотлар кадр-қимати, ёдгорликлар ансамбллари таъсирига кўра фарқланувчи ҳудудлар яратиш зарур.

9. Асосий ёдгорликлар ансамбллари жамланган ҳудуд транспортдан алоҳида ажратилиши зарур.

II боб. Марказ ва унинг ансамблларининг замонавий композицион ҳолати

1. Шаҳарнинг функционал ривожланиш шартлари ва Самарқанд шаҳрининг композицион тузилиши (замонавий ҳолати)

Марказ композицияси муайян ритмда, бир-биридан ШМ 200 метр масофада жойлашган ансамбллар тизими билан ҳал қилинган.

Бундай қурилиш мазкур ечим яхлитлигини бузмасдан марказ композициясини макондаги давомийлигининг заифлашувига кўра алоҳида бўлақларга ажратиш имконини беради.

Ушбу тизимда етакчи ҳисобланган асосий ансамбллар учта: Регистон майдони, Маъмурий майдон ва Савдо (Хизмат) Маркази. Қолган ансамбллар асосийларининг ҳажм-фазовий композициясини ривожлантираркан, тобе характерга эгадир. Улар орасидаги бўшлиқлар иморатларнинг осойишта фронти билан ҳал этилади ва бу асосий объектларнинг янада ўткирроқ қабул қилинишига имкон яратади.

Майдонлар ва алоҳида мажмуаларнинг бутун тизими кўламларнинг пиёдалар йўналиши ва сув ҳавзалври тизими билан бирлаштирилади. Марказ қадимий шаҳар Афросиёб-асосий композицион ўқ бўйлаб-Тошкент кўчаси ривожланади. Тадрижий равишда Шохи Зинда ансамблидан бошлаб, бибиҳоним ёдгорликлар мажмуаси ва шаҳарнинг тарихий қисми комозициясини якунловчи ансамб - Регистон очилади.

Регистондан жанубий-ғарбий томонга, 800 метр масофадаги қалъа кўплигида бош ансамбллардан бири-Маъмурий марказ шакллантирилган. У тарихий қисмдан “қадимги” Самарқанд ва замонавий шаҳар орасида “нейтрал” ҳудудни яратувчи массив ҳамда сув ҳавзалари тизими билан ажралиб туради.

Маъмурий марказ ечими яхлит ҳолда шаҳарнинг умумий композициясига чамбарчас боғлиқ.

Бош план схемасининг таҳлили унинг структур қурилиши тўғрилигини тасдиқлайди ва унга кўра: маъмурий майдонга келиб тақаладиган ўқ магистраллар, ярим доира йўланишида ҳосил қилинган кичик кварталлар сақлаб қолинган ва тарихий шаклланган ҳудудлардан бири сифатида яриммиллионли шаҳар планининг композициясига қўшилган, бош, функционал ва композицион йўналиш сифатида Горкий номидаги хиёбон сақланган. Бу “эски” ва “янги” шаҳарни ҳамда дам олиш ҳудудини боғловчи ўқ йўналиш. Ушбу йўналиш шаҳар ва унинг марказининг композицияси қурилган структурйўналишлардан бири бўлган марказ композициясига канални уйғунликда қўшиш имкониятини яратади.

Маъмурий марказ майдонлар ва алоҳида иншоотлар тизимини бирлаштирувчи хиёбонлар ҳамдабоғларҳалқаси билан ўралган йирик мажмуалар билан ҳал қилинган. Бу ансамбларкомпозицияси Горкий хиёбонидан асосий йўналишда ва Фрунзе кўчасидан иккинчи даражали йўналишда қурилади.

Уч майдон – театр, Маъмурий ва Спорт майдонлари тизими хиёбоннинг давоми бўлган кенг пиёдалар эспланадаси билан бирлаштирилган.

Ушбу тизимда етакчи ансамбль Маъмурий майдон ҳисобланади. Бу майдоннинг ечими (унда ҳокимиятнинг маъмурий бинолари қурилган) уни иккита функционал ривожланган ҳудудга ажратилишини кўзда тутаяди: жанубий-ғарбийга – рамий намоишлар ва митинглар майдони ҳамда шимолий-шарқийга – дам олиш майдони, бу майдондан “эски”

Самарқанднинг минорали ва гумбазли манзараси, турар жой иморатлари билан ўралган ёдгорликлар кўзга ташланади.

Маъмурий майдон композицион жиҳатдан майдонга келиб тақалувчи “ўқ” – анъанавий тарзда шаклланган савдо ҳудудининг ўрнида лойиҳалаштирилган савдо марказига эга Фрунзе кўчаси билан боғлиқ. Бу ҳудудни яримҳалка шаклида боғ ўраб туради. Пиёдалар хиёбони ривожлантирилиб, Горький хиёбонига, ундан қурилаётган “Интурист” меҳмонхонаси ҳудудида лойиҳалаштирилган сайёҳларга хизмат кўрсатиш марказига чиқилади. Унинг таркиби қуйидагича: меҳмонхона мажмуаси, қаҳвахона, ресторанлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи бошқа муассасалар.

Шимолга қараб хиёбон опера ва балет театрининг биноси билан тугайди, унинг олдида театр майдони яратилган; жануб томонда – Самарқанд давлат университетининг ўқув корпусларининг осойишта fronti барпо этилган. Меҳмонхонадан шаҳарнинг маданий-маърифий ва томошагоҳ марказига чиқилади.

Ушбу ҳудуд баландликда жойлашган, кенг декратив канал айланасига оқади ва ундан алоҳида, турли вазифали мажмуалар очилади. Улардан ҳар бири ўз вазифасига эга бўлиб, ягона композицион ечим билан бирлаштирилади – санъат майдони, томоша майдони, кўرғазмалар ва ёшлар мажмуалари, дам олиш майдони.

Бу ҳудуд шаҳарнинг бош ансамбллларидан бири – Иш маркази билан тугалланади. Ушбу майдонда трестлар, лойиҳалаш ташкилотлари, бошқармалар жойлашган. Унинг асосий магистралларидан бирида жойлашгани шаҳарнинг барча қисмлари билан зарурий транспорт алоқаларини таъминлайди.

Марказ композицияси иккинчи ўқ йўналиш бўйлаб ривожланади, кенг эспланада бўйлаб эса ёпиқ бозор, планетарий, маданият саройи, техник кутубхона ва яна бир қатор илмий ташкилотлар жойлашган.

Самарқанд шаҳри маркази ечимига қўйилган ғоя замонавийлик ва шаҳарнинг қадимги тарихи, қарама-қаршиликка киришмай, Ўзбекистоннинг йирик маданий-саноат марказларидан ва Ўзбекистон туризм марказларидан бирининг кўламига жавоб берувчи ягона макондаги организм яратилишидир.

Марказнинг меъморий макондаги ечими асосий йўналиш бўйлаб изчилликда жойлаштирилган ва хиёбонлар, боғлар, сув ҳавзалари билан ўзаро боғланган алоҳида ансамбллар ва майдонларнинг мураккаб тизими яратилишини кўзда тутди.

Марказ таркибига кирувчи, ўз структурасига кўра турлича ҳудудлар композициясининг бирлигига контрастда қурилган асосий ансамблларнинг баланд бинолар гуруҳи билан уларни ўраб турган паст қаватли осойишта иморатлар ва кўкаламзорлар билан бирикмада ҳосил қилинадиган ечимида эришилади.

РЕЖАЛАШГА ОИД СТРУКТУРА ВА ШАҲАР МАГИСТРАЛЛАРИ

2. Марказий ҳудудларнинг композициясини меъморий-лойиҳавий ташқил этиш

Умумшаҳар марказининг режалашга оид структураси бош режа схемасига киритилган ягона тизимнинг бир қисми ҳисобланади.

“Эски” ва “янги” шаҳарнинг тарихий шаклланган қисмлари доирасида у максимал даражада сақланган.

Шаҳарнинг лойиҳасида уларга белгиланган янги функцияларига кўра кўчаларнинг аҳамияти ҳам ўзгаради: бир хиллари йирик магистралларга. Бошқалари – пиёдалар йўлларига ёки маҳаллий миқёсдаги кўчаларга айланиб, уларнинг янги йўналишлар билан бирикуви марказ ва шаҳарнинг

бутун доирасида транспорт ва пиёдалар алоқаларининг ягона тизимини яратади.

Шаҳарнинг марказий ўзаги ва тарихий ҳудуд асосий, серкатнов магистраллар тизими билан ўралган: шарқдан, “эски” шаҳарни айланиб ўтиб (Тошкентга ташқи йўл), жанубга, Самарқандни Оҳалик дам олиш ҳудуди билан боғловчи йўналиш бўйича узлуксиз ҳаракатли ярим халқали магистрал, ғарбдан – аэропортдан Охунбобоев кўчаси ва Ўзбекистон кўчасидан Дарғомдаги боғ ҳудудига боровчи магистрал.

Марказнинг узунлигини ҳисобга олиб, уни кўндаланг йўналишларда кесиб ўтувчи бир қатор магистраллар лойиҳалаштирилган: шимолда – Титова-Кожевенная, Горкий номидаги хиёбон охирида – узлуксиз қатновли ярим халқа магистрал ва марказда дублёрига эга узлуксиз қатнов магистрали. У шаҳарни кесиб ўтади ва Тошкент ҳамда Бухорор йўналишларига чиқади. Магистралларнинг пиёдалар йўналишлари билан барча кесишмалари турли сатҳларда ҳал қилинган.

Марказий ўзак ичида марказнинг турли ҳудудларини ўзаро ва шаҳарнинг алоҳида ҳудудларини марказ билан алоқасини таъминловчи магистраллар тизими кўзда тутилган. Улардан асосан марказ объектларига хизмат кўрсатувчи бинолар, машина тўхташ жойлари ўрин эгаллаган.

Тарихий ҳудунинг марказ таркибига кирувчи асосий ўзагига уч магистрал билан хизмат кўрсатилади: Регистон кўчаси ва унинг давоми, Камсомол кўчаси ва Дахбет кўчалари. Бунда шу ҳудуд пиёда йўллари юқоридан, Дахбед кўчаси маълум чуқурликда ўтиши рельефидан фойдаланиб ўтказилган.

Янги марказ ҳудудида транспорт учун хиёбоннинг шарқий томонидан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, у канал бўйлаб кенг магистралгача давом этади, ғарбий томон эса пиёдалар йўналиши учун қолдирилади.

Советская кўчасидан бошлаб ғарбий қирғоғидаги дам олиш ҳудудларига олиб чиқадиган магистраллар лойиҳалаштирилмоқда. Унга

марказнинг алоҳида ҳудудларини боғловчи бир қатор магистраллар келиб уланади.

Асосий пиёдалар йўналишлари бутун марказ бўйлаб, Шоҳи Зинда ансамблидан бошлаб тошкент кўчасидан Афросиёбдан транспорт магистраллари кесишмасдан Дарғом каналида ташкил этилган боғ ҳудудларигача.

Марказнинг селитебли ҳудудлар, саноат ва ташқи йўллар билан алоқаси нур бўлиб тарқаладиган йўналишлардан кўзда тутилган: Навоий, Карл Маркс, Фрунзе кўчалари ва радиал йўналишлар – Восточная, Панжикентская ариғи бўйлаб, ярим халқа йўл бир вақтнинг ўзида шаҳарнинг бутун тарихий ҳудудига хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари, марказий ўзак ичида индивидуал автомобиллар учун чегара ҳисобланган маҳаллий миқёсдаги кўчалар лойиҳалаштирилган. Бу ердан бир неча дақиқада марказнинг исталган объектига етиб бориш мумкин.

Айтиш лозимки, магистраллар структурасига янада аниқроқ режали асосни яратиш, ҳудуддан янада тежамкор фойдаланиш, магистраллараро бўшлиқни яхшироқ ташкил этиш ва таянч иморатларни ҳисобга олиб, кичик тузатишлар киритилган.

2. Функционал ҳудудлаш

Марказни вазифавий ҳудудлаш асосига қуйидагилар киритилган:

а) шаклланган ҳудудлар ва алоҳида капитал иншоотларни мажбурий ҳисобга олиш;

б) ҳудудларни уларни шаҳар ички ва ташқи алоқалар билан таъминланиши зарурлиги даражасини ҳисобга олиб жойлаштириш;

в) вазифасига кўра бир хил биноларни мажмуаларга бирлаштириш ва ушбу мажмуаларни пиёда йўллар ҳамда транспорт йўллари тизими билан қулай боғланган алоҳида ҳудудларда жойлаштириш. Таъкидлаш лозимки, вазифавий ҳудудлашнинг софлиги, қатор ҳолларда шаклланган,

марказнинг турли ҳудудларида жойлашган таянч объектлар билан бузилади.

Бош режа схемаси ечимларига мувофиқ марказ ҳудудига қуридагилар киритилган: шаҳарнинг маъмурий туманларидан бирининг маркази ва режалаштиришга оид туманлар марказлари – марказий ва Дарғом олди, улардан биринчиси умумшаҳар маркази билан қўшилган.

1. Маъмурий ҳудуд – қурилиши 1970-1971 йилларда тугатилган шаҳарнинг марказий майдони, ундан жанубий-ғарбий томонда жойлашаган ҳудудлар – Охунбобоев кўчасигача (биринчи умумшаҳар магистрали) ҳамда қалъа ҳудуди – Чашма ариғигача камраб олинади.

2. Савдо маркази – асосан шаҳарнинг икки туманида, анъанавий шаклланган савдо кўчалари Тошкент, Кумуш расталар – тарихий ҳудудда ва шаҳарнинг янги қисми – Фрунзе кўчасида жойлашган.

Марказ узунлиги ҳисобга олиниб, бундай ҳудуд, шунингдек, марказнинг янги қисмида, узлуксиз қатнов магистрали ёнида ҳам барпо этилган.

3. Маданий-маърифий марказ Университет хиёбонидан жанубий-ғарбга – канал ҳосил қилган халқада лойиҳалаштирилган. Унинг таркибига асосий маданий-томоша корхоналари, марказий кўргазма мажмуаси, клублар, ижодий иттифоқлар ва ёшлар маркази киради.

4. Иш-хизмат маркази – меридионал узлуксиз қатнов магистрали ва унинг дублёри орасидаги ҳудудда жойлашган. Бундай жойлашув мазкур ҳудудни шаҳарнинг барча туманлари билан энг яхши транспорт алоқасини таъминлаш имкониятини яратади. Унда барча асосий жамоатчилик ва хўжалик ташкилотлари жойлаштирилган.

5. Спорт ҳудуди икки туманда лойиҳалаштирилган – асосийси – узлуксиз қатнов кенг магистралидан жануб томонга, иккинчиси икки реали туманга хизмат кўрсатиб, маъмурий марказ ҳудудида. Янги каналда ва Чашма ариғида сув ҳавзаларини ташкил этиш спорт ишларини янада комплексли ташкил этиш имконини беради.

6. Болалар худуди – спорт ёнида, сув ҳавзалари яратилиши билан лойиҳалаштирилган. Унинг четки ҳолатини ҳисобга олиб, оммавий ташрифли бир қисм объектлар (қўғирчоқ театри, ЁТТ) томоша корхоналари худудида жойлаштирилган.

7. Ўқув худуди – мавжуд олий ва ўрта таълим муассасалари базасида – Университет хиёбони бўйлаб (Самарқанд давлат университети) ва спорт худуди яқинида (Архитектура қурилиш институти), капитал биноларда жойлашган ўқув муассасаларининг бир қисми маъмурий ҳудуд чегарасидан ўрин олган.

8. Даволаш муассасалари худуди – лойиҳа турли тармоқли поликлиникалар таркибига ва Санпросвет уйи таркибига киради. Уни жойлаштириш умумшаҳар магистралларидан бири – Навоий кўчаси яқинидаги кўзда тутилган.

9. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш корхоналари худуди – асосан баланд меҳмонхона худудида лойиҳалаштирилагн (меҳмонхона мажмуаси, маданий-маърифий хусусиятли объектлар). Объектларнинг бир қисми Регистон майдонидаги тарих музейи ва Университет хиёбони бўйлаб жойлашган.

10. Овқатланиш корхоналари – тенг миқдорда барча ҳудудларда жойлаштирилган. Уларнинг энг кўп йиғиндиси маданий-томоша корхоналари бўйлаб туристик йўналишлар бўйича кўзда тутилган.

11. Дарғом олди режалаштирилган туманнинг жамоатчилик савдо маркази –спорт мажмуасидан жануброқда, хизмат кўрсатилаётган ҳудуднинг тахминий геометрик марказида лойиҳалаштирилган.

12. Шаҳар дам олиш худудига хизмат кўрсатиш корхоналари – Дарғом каналида ташкил этилган сув ҳавзалари қирғоқларида жойлашган.

13. Турар жой худуди – Советская кўчаси секторида ва узлуксиз қатнов яримхалқа магистрали бўйлаб, Ўзбекистон магистрали ва Оҳаликка, тарихий ҳудудга олиб боровчи, марказда туташувчи кўчалар бўйлаб режалаштирилган.

14. Манеж типдаги гаражлар ва автотўхташ жойлари марказнинг барча ҳудудларида тенг лойиҳалаштирилган.

МАРКАЗНИНГ МАУССАСАЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ҲИСОБИ

Шаҳар марказидаги муассасалар ва корхоналарнинг ҳисоби қуйидагилар бўйича амалга оширилган: шаҳарга яқин туманларда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатишга алоҳида муассасалар ҳажмининг ошиши (бир соатлик йўл масофасида истиқболли туман режалаштирилиши лойиҳаси бўйича 780 минг киши истиқомат қилади. Хизмат кўрсатиш мауассасалари қаторининг ҳажми шаҳардан ташқаридаги 30 % аҳолига хизмат кўрсатиш ҳисоби билан оширилган).

Марказ доирасида шаҳарнинг маъмурий туманларидан бирининг жойлаштирилиши.

Шаҳарнинг 4та режалаштирилган туманга бўлиниши билан боғлиқ ҳолда умумшаҳар меъёрларининг камайтирилиши. Иккита туман марказ ҳудудидан ташқарида жойлашган. Савдо корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш, овқатланиш, маданий-томоша корхоналари ва туристларни хизмат кўрсатишнинг барча турлари билан таъминлаш учун меҳмонхона манзиллари меъёрининг ошиши.

Шаҳар марказида жойлаштирилган объектларнинг ҳисоб китоби СнП билан мувофиқликда амалга оширилган. Бундан ташқари, “Самарқанд шаҳрида маданий-маиший хизмат кўрсатиш мауассасаларини жойлаштириш схемаси”га ўздавлатлойиҳа бажарган ишдан ҳам фойдаланилган.

Қуйида марказда жойлаштирилган объектларнинг рўйхати ва ҳисоби келтирилади.

Ҳозирги вақтда 260 гани (кўчалар ва майдонлар билан) ташкил этувчи тарихий ҳудуднинг бутун майдонида аҳолининг ўртача зичлиги 1 гектарга

150 кишидан иборат – бир кишига 6м² билан таъминланиш меъёрида (барча кўшимча хоналардан турар жой сифатида фойдаланилганда).

Шу тарзда уй-жой учун фойдаланиладиган умумий майдон – 234000м². умумий аҳоли – 89000 киши. Иморатлар 1-2-9 каватликка алмаштирилганда турар жой майдони бир мунча кўпаяди – 246000м²гача. Аҳоли сони бир кишига 9м²га турар жой меъёрининг ошиши билан боғлиқ ҳолда қисқаради.

Шундай қилиб, “эски” шаҳар реконструкциясида биз 2300м² микдорда кўшимча яшаш жойларига эга бўламиз, ЧГПО уни реал реконструкцияси учун шароит яратмоқда.

МАГИСТРАЛЛАР ВА ТРАНСПОРТ

Ўрганилаётган лойиҳа 1300.0 га ҳудудни камраб олади ва шундан турар жойларга 500 га тўғри келади. Шаҳар марказидаги районда ва тарихий ҳудудда кўчалар тармоғининг қатъий схемаси аста-секин тўғрибурчакли структурага ўтувчи радиал-яримхалқалидир.

Кўча тармоғининг қуйидаги участкалари сақланади: Карл Маркс, Советская, Ўзбекистон, Университет хиёбони, Фрунзе, Сўзангарон, Панжакент, Охунбобоев кўчалари. Ва иккинчи даражали бир қатор бошқа кўчалар. Сақланадиган кўчаларнинг (марказ доирасида) умумий узунлиги 20 кмга яқин.

Янги очилаётган кўчалар- бу асосан узлуксиз қатнов магистраллари ва шаҳарнинг эскишаҳар қисмида очилаётган туман миқёсидаги магистраллардир.

Янги очилаётган куларнинг умумий узунлиги 20 км атрофида.

Оммавий йўловчи транспорти линиялари ўтадиган кўча тармоқларининг қабул қилинган тизими марказ ҳудудларида бекатларга пиёдалар етиб олишини ҳар 200-250 метрда ва турар жой ҳудудларида 400 метрда таъминлайди.

Марказда кўча тармоқлари зичлиги $4.0\text{км}/\text{км}^2$ га яқин, қолган қисмида эса ўрганилаётган ҳудуднинг $2.8\text{км}/\text{км}^2$ атрофида.

Шаҳар марказида ва тарихий ҳудудда кўча тармоғининг ҳажми қуйидаги шароитдан келиб чиқиб, енгил транспорт ўтказувчанлигига текширилган:

1. Ҳаракатланиш миқдори 30000га яқин, шундан тигиз пайтга 3600га тўғри келади (12%);
2. Динамик габарит майдони -200м^2 ;
3. Кўчалар тармоғининг давомийлиги: а) узлуксиз қатнов магистраллари – 10.0 км, қатнов қисми кенглиги 21.0м; б) умумшаҳар миқёсидаги магистраллар – 12.0м, қатнов қисми кенглиги 21.0м; в) туман миқёсидаги магистраллар 16.0м, қатнов қисми кенглиги – 14.0м; г) бошқа кўчалар – 5.0м, қатнов қисми кенглиги – 7.0 метр.

Кўча тармоқларида автомобиллар тиқинларининг олдини олиш мақсадида ва транспортнинг равон оқимини таъминлаш учун кўчалар кесишмасида чорраҳалар ҳаракатини тўхтатмасдан транзит оқимларни ўтказиб юбориш имконини берувчи иншоотларнинг йўл тизими яратилган. Ҳар хил сатҳларда ҳам, бир хил сатҳларда ҳам халқали ҳаракат типиди турли чорраҳалар кўзда тутилган ва айрим ҳолларда ҳаракатни светафорлар билан бошқариш қўлланилмоқда.

Марказни транспорт оқимларидан бўшатиш умумшаҳар миқёсидаги ўзининг вазифасига кўра қуйидагича бўлинадиган магистрал кўчалар тармоғи бўйича амалга оширилади:

1. Турли сатҳларда кесишуви ҳаракатланишнинг тўлиқ чорраҳаларига эга узлуксиз қатнов магистраллари.
2. Кесишмаларда бошқарилувчи ҳаракатли магистраллар.
3. Ҳаракатни ўзини-ўзи бошқариладиган магистраллар.

Пиёдалар йўлаклари

Лойиҳада транспорт оқимларининг 01 ажратилган ўтиш ҳаракати қабул қилинган. Эркин пиёда ҳаракатланиш учун магистрал кўчаларнинг бир қисмида камгаклар ёки – эстакадалар лойиҳалаштирилган. Каналлар устидан пиёдалар ўтиш кўприклари кўзда тутилган. Йўналтиручи ҳаракатлар бўйича пиёдаларни тақсимлаш учун кўприк ўтказгичлар ва транспорт ва транспорт чорраҳаларидан фойдаланилади. Асосий пиёдалар йўллари кўча тармоғи трассировкасига боғлиқ ҳолда кўкаламзорлар ва лойиҳадаги канал қирғоқ бўйидан ўтади.

Пиёдалар оқимлари объектларни жойлаштирилиши шароити, жамоатчилик транспорти бекатлари ва дам олиш жойларидан келиб чиқади. Пиёдалар йўлларининг кенглиги ҳаракат ҳажмлари ва вазифаси билан 3.0 м дан 6.0 метргача, боғ ҳудудларида 12.0 метргача белгиланади.

Шаҳар транспорти

Транспорт тармоғи асосини қуйидагилар ташкил қилади: узлуксиз ҳаракатли қатор кўчалар (янги очилаётган), Ўзбекистон кўчаси ва унинг давоми, Охунбобоев кўчаси аэропортга чиқиш билан, Титов кўчаси, Панжакент, Термиз ва Авиационная кўчалари.

Ушбу магистраллар бўйлаб марказ ва тарихий ҳудудни шаҳарнинг барча турар жой манзиллари ҳамда саноат ҳудудлари билан, Тошкентга, Бухорога, Термизга, Қарши ва Панжикентга ташқи йўллар билан боғловчи шаҳар транспорти кўзда тутилган.

Шаҳар маркази ва тарихий қисмига келувчи ҳамда шу ҳудудларда яшовчиларга хизмат кўрсатадиган транспортга ёрдамчи вазифасини туман миқёсидаги магистраллар бажаради: Навоий, Советская, Регистон, Карл Марск кўчалари ҳамда университет хиёбони кабилар.

Самарқанд шаҳрининг ТЭТси тролейбус ва автобус ҳаракатини ривожлантириш ҳамда тез юрар автобус ва маршрутли такси линияларини ташкил этишни кўзда тутлади.

Мавжуд камқувватли бир чизикли трамвай линияси ҳисобга олинмайди, мазкур лойиҳада унинг фойдалилиги кўрилмайди.

Юк транспортининг мавжуд асосий йўллари, ўрганилаётган ҳудуд ичида, лойиҳада марказий ҳудуддан четга чиқарилади ва Типовая кўчаси бўйлаб шимолга, жанубда эса янги очилаётган магистралга йўналтирилади.

Тарнспорт оқимларини ҳисоблаш учун қабул қилинган бўйича шаҳарнинг турар жой ҳудудларидан ҳар куни 150 минг киши жамоатчилик маркази ва тарихий қисмга ташриф бўёради. 30 минг яқин автомашиналарни марказнинг ички қисмидан ўтказиш керак бўлса, 15 мингта машинани тухташ жойларига жойлаштириш зарур.

Бундан ташқари, ҳар куни шаҳар марказига 50 минг киши кириб келади ва шулардан 8 минг сайёҳ ҳамда Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳрига интилувчилардан 100 минга яқин машина келади.

Ҳар кунлик ташриф ўртача аниқланди.

1. маъмурий марказ – 20 минг киши;
2. маъмурий марказ қошидаги савдо қисмини 20 минг киши, марказнинг жанубий ҳудудидаги савдо қисмини 15 минг киши;
3. маданий марказни – 10 минг;
4. асосий архитектура ёдгорликлари ҳудудини ва Сиёб бозорини 30 минг киши;
5. Университет хиёбони – 20 минг;
6. туристик марказ – 10 минг киши;
7. шимолий спорт ҳудудини – 5 минг, жанубийсини – 10 минг киши.

Бундан ташқари спорт мусобақалари кунларида кичик стадионга 20-25 минг киши ва катта стадионга 40-50 минг киши киради.

Бундан ташқари, марказнинг лойиҳалаштирилаётган тумани ҳамда тарихий ҳудуд доирасида 70 минга яқин аҳоли яшайди, корхона ва муассасаларда 40мингтача одам ишлайди.

Транспорт оқимлари ҳам шу ерда яшовчиларни, ҳам ташриф бўёрувчиларни ҳисобга олади.

Тахминий қабул қилинишича, жамоат транспортдан 75% ва енгил транспортдан 25% аҳоли фойдаланади.

Лойиҳада жамоат транспортни кишилар оқимлари жамланган ерлага максимал яқинлаштириш кўзда тутилган.

Одатда тролейбус маршрутлари умумшаҳар миқёсидаги магистралларидан ўтади, автобус маршрутлари эса район магистралларидан. Тез юрар автобус линиялари ўзлуксиз катновли магистралларда фаолият кўрсатади.

Тарнспорт майдонлари, маршрутли автобуслар, тролейбуслар ва таксилар тўхташ жойлари йўловчиларга хизмат кўрсатишда носозликлар юзага келмайдиган қилиб жойлаштирилади.

Самарқанд шаҳрида транспорт оқимлари кенглик йўналишда шакллантирилади.

Лойиҳада машиналар туришининг ўртача вақти 2-5 соат деб қабул қилинган.

Барча сафарларнинг бирдан уч қисми иш марказига амалга оширилишини ҳисобга олиб, бу кўрсаткич 30 мингача машинани ташкил этади.

Тўхташ жойларининг зарурий сони $30 \times 2,5 = 75$ минг.

Ташрифларнинг бир хил эмаслиги ва тиғиз пайтда юқори бўлини ҳисобга олиб, тўхташ жойлари миқдори 25%га ошади ва $75 \times 1,25 = 93,75$ мингни ташкил этади.

Маъмурий-жамоатчилик маркази ва тарихий ҳудуддаги тўхташ жойлари марказ объектларининг жойлашишига кўра тақсимланади.

4. Сув чиқариш

Сув чиқариш тизими бир қатор мавжуд каналлардан (Дарғом, Чашма, Сузангарон, Обимашхад, Сиёб) ва янги лойиҳалаштирилаётган, эни 20-30 метрлик каналдан иборат. Бундан ташқари сув чиқариш тизимига бир қатор мавжуд кичик ва сунъий яратилган сув ҳавзалари ҳам қўшилади.

Яна оқова каналларинг алоҳида участкаларида сув ҳавзалари тизимлари яраилмоқда.

Шаҳарнинг асосий сувтомири секундига 20-25 метр куб сув ўтказувчи сунъий канал ҳамда шаҳар маркази композициясига фаол қўшилувчи ариқ, чашма трассаси бўйича яратиладиган сув ҳавзалари бўлади.


Сув ҳавзалари тизимида маиший горизонтлар қатъий регламентланади, ер ости сувларининг мавжуд сатҳини сақлаш кўзда тутилади.

Каналлар бетон ва сув филтрациясини истисно қилувчи бошқа изоляция материаллари билан қопланади. Мавжуд ирригация тармоғи қопланган ва бир вақтнинг ўзида ҳудудларни суғориш ҳамда оқова сувларни чиқаришга хизмат қилади.



Бир қисми марказ таркибига кировчи тарихий ҳудуд ўз ичига Афросиёб ҳудуди ва “эски шаҳарни” олади. Бу йирик шаҳар ҳудудларидан бири бўлиб, унинг аҳамияти туристларга хизмат кўрсатиш доирасида чиқиб кетади. Бош план схемасида бу ҳудуд шаҳарнинг бир қисмини ташкил этиб, у билан боғлиқ функционал ҳудудлаш ягона тизимлаш, магистраллар тизими ва дарахтзорлардан иборат. Шаҳарнинг асосий қисмида у

“замонавий иморатларга ўтишини юмшатовчи ҳудудни” яратувчи боғлар билан ажратилган. “Яшил” халқанинг ташқи томонидан узлуксиз катновли магистрал ўтади. Бу ҳудуд шаҳарнинг энг асосий ансамбилларидан бири билан тугайди. У трестлар, лойиҳа ташкилотлари, бошқармаларнинг бинолари барпо этилган майдондир. Унинг бош магистралларидан бирида жойлаштирилиши шаҳарнинг барча қимлари билан зарурий транспорт алоқаларини таъминлайди. Марказ композицияси иккинчи ўқ йўналиш бўйлаб ривожланиб, бу кенг эспланадада ёпиқ бозор, планетарий, маданият маърифий тадбирлар заллари, техник кутубхона ва бир қатор илмий ташкилотлар қад ростлаган.



Иш марказидан жанубга шаҳар спорт мажмуаси лойиҳалаштирилган. Архитектура-қурилиш институтининг ўқув биноси, болалар шаҳарчаси, Дарғом яқинида режалаштирилган ва шаҳар ташқарисида боғ ҳудуди яратилиши.

Марказ композициясида турар жой иморатларига катта аҳамият берилган.

Лойиҳа томонидан шимолий-ғарбий / Советская кўчаси бўйлаб/ ва ғарбий /Ўзбекистон кўчаси бўйлаб/ магистралларда жойлашган турар жой

мажмуаларининг меъморий-маконий ривожланган, йирик кўламли композициясини яратиш таклиф этилади.

Шу мажмуалардан ҳар бири 500-800 кишига хизмат кўрсатиш муассасалари билан мўлжалланган.

Бу уйларнинг баланд қавватли композицияси марказга ўрғу бериб шаҳарнинг янги қисми биган бойитади. Марказнинг барча ҳудудлари дарахтзорлар, сув хавзалар ва пиёдалар йўлакларининг ягона тизими билан бирлаштирилади. Магистралларни кесиб ўтмасдан ҳам пиёда Афросиёбдан Дарғомгача бориши мумкин.

200га эгаллаган шу ҳудуд доирасида ёдгорликлар ансамллари ва алоҳида иншоотлар билан бир қаторда маҳаллаий типдаги битр қаватли уйлар зич қурилган майда мавзелар ҳам сақланиб қолинган бўлиб, амортизацияси катта, оддий, қулай, аҳоли зичлиги бир гектарига 150-200 кишигача етадиган маҳаллалардир.

Шундай катта ҳудудни “ўлик” қўриқхона кўринишида консервациялашни мақсадга номувофиқ ҳисоблаб, лойиҳа муаллаифлар “эски шаҳар” қисмидаги маданий қадриятларни сақлаб қолишни ҳисобга олгани ҳолда қайта таъмирлашни таклиф этади: тарихий ва меъморий ёдгорликлар, тарихий шаклланган кўча тармоқлари, иморат хусусиятлари ҳамда “эски” Самарқанднинг умумий қиёфаси.

Ушбу ҳолатда энг мураккаб муаммо турар жой ҳудудининг ечимидир. Материаллар умри қисқалиги (пахса ёки каркасли), энг оддий қулайликлардан ҳам маҳрум уйларнинг қониқарсиз ички режалаштирилиши ҳозирги аҳволида қайта таъмирлаш ёки консервациялашнинг мақсадга мувофиқлигини истисно этади. Бундай уйларда одамлар ҳаётини нормал ташкил этиш мумкин эмас. Муаллифлар томонидан ушбу муаамони ҳал этишга дифференциал ёндашув таклиф этилиб, иморат шаклига боғлиқ ҳолда ёдгорлик(иншоотлар)нинг кўриниши ҳисобга олиниши зарур. Шаҳар тарихий шаклланган қисмининг

шаҳарсозлик таҳлили ҳар бир муаммо ечимига ўзига хос ёндашувни талаб қилади.

Биринчи ҳудуд – археологик қўриқхона / Афросиёб – Самарқандга асос солинган манзил/

Иккинчи ҳудуд - /иморатлар чекланган/ ёдгорликларнинг асосий ансамбллари ва уларни қўришга таъсир қилувчи ҳудудларни ўз ичига олади.

Учинчи ҳудуд - /иморатларни тартиблаш/ ёдгорликларнинг бош ансамблларида узоқлаштирилган, уларга бевосита таъсир қилмайдиган, фақат олис нуқталардан намоён бўлувчи шаҳар манзарасининг умумий таассуротини яратувчи муҳит ролини ўйнайди.

Биринчи ҳудуд - /Афросиёб/ археологик қўриқхона сифатида сақланади, лойиҳада унинг ҳудудидан транспорт йўллари (Тошкентга, аэропортга) четга чиқариш; шу йўналишларни туристик трассалар сифатида сақлаб қолиш кўзда тутилган: улардан бири Афросиёбдан шимолий-шарқда жойлашган Улуғбек расадхонасига олиб боради. Ушбу йўллар бўйлаб алоҳида томоша майдончалари яратиш белгиланган бўлиб, улардан шаҳарнинг кенг манзараси кўриниб туради. Қазимша ишлари ҳудудида археологик музей, туристларга хизмат кўрсатиш мауссасалари мажмуи ва туристик транспорт учун тўхташ жойлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Иккинчи ҳудуд – ёдгорликларнинг асосий барча мажмуаларини ва уларга яқин турар жой мавзеларини ўз ичига олади. “Эски шаҳарнинг” бу қисми марказ ҳудудига узвий қўшилиб, у билан транспорт магистраллари ва пиёдалар учун йўлларнинг ягона тизими орқали боғланган. У халқа ҳосил қилувчи туман миқёсидаги магистраллар билан чегараланган. Ушбу транспорт халқаси доирасида фақат пиёдалар ҳаракатланиши кўзда тутилади. Унинг ташқарисидаги ансамбллар билан тарихий шаклланган йўналишлардан фойдаланиб, пиёда йўллар алоқаси режалаштирилган.

Магистраллар билан кесишув нукталарида, жой рельефидан фойдаланиб ҳар хил сатҳлардаги ўтиш жойлари барпо этилган. Бу ҳудудда шаклланган режага оид структура ва унинг тор ҳамда боши берк кўчалари тўлиғича сақланади.

“Қадимий” Самарқанднинг асосий савдо кўчалари – Тошкент ва кумуш расталар қайта таъмирланиб, уларнинг аввалги характери – ёпик савдо расталари ҳолати тикланган. Уларда туристларга хизматкўрсатишнинг асосий объектулари жойлаштирилган: миллий санъат маҳсулотлари, уларни тайёрлаш устахоналари, миллий таомлар ошхоналари ва чойхоналар.

Ташқи йўлларнинг – Панжакент, Сўзангарон кўчаларининг Регистонга яқинлашишидаги тарихий йўналиши пиёдалар кўчаси сифатида сақланган.

Ёдгорликларнинг асосий ансамблларига бевосита тегишли майдонлар тузилиши, ҳар бир алоҳида ҳолатда, атроф муҳитнинг хусусиятлари ва кадр-қиммати, яхшироқ кўриниш ва композицион ўзаро алоқаси учун шароит яратиш имкониятларига боғлиқ ҳолда режалаштирилган.

РЕГИСТОН АНСАМБЛИ

3. Самарқанд бош режаси композициясининг типологик хусусиятлари

Кейинги йилларда барпо этилган ва ҳозирги кунда регистон ён атрофида қурилаётган бинолар – кинотеатр, универмаг, ресторан, музей, мактаб, турар жойлар – ҳам майдоннинг, ҳам ёдгорликлар ансамблларининг кўламини ва композицияси яхлитлигини кескин ўзгартириб юборди.

Лойиҳада майдон ансамблидан ҳар хил замонавий биноларни олиб ташлаб, ёдгорликлар масштабини сақлаш учун зарурий муҳит яратиш имконини берувчи қурилишни ташкил этиш усули таклиф этилади.

Ёпиқ савдо расталари мавзусини давом эттириб, майдонга Қўшҳовуз, Сўзангарон, Тошкент кўчалари чорраҳаларини қамраб олувчи ва Чорсу гумбази билан боғланувчи катта савдо гумбази лойиҳалаштирилмоқда.

БИБИХОНИМ АНСАМБЛИ

Бибихоним ансамбли атрофида шаклланган иморатлар халқа бўлиб, ёдгорликни зич ўраб олган. Мақбара трикотаж фабрикаси ҳудудида турибди. Масжид харобалари дўконлар, расталар, деворлар ортида қолиб кетган. Унинг бош пештоқи олдида шаҳар транспорти тўхташ жойи бўлиб, шу атрофда катта миқдорда енгил ва тарнзитли юк машиналари тўланади. Бунинг ҳаммаси лойиҳада қадимиятнинг энг улуғвор иншоотларидан бирининг атрофидаги ҳудудни бўшатиш масаласининг қўйилишига сабаб бўлди.

Учинчи ҳудуд – Темур замонида мавжуд бўлган девор чегараларидаги “эски” Самарқанднинг бутун асосий ҳудудини ўз ичига олади. Ҳудуд ёдгорликлардан анча узоқдалиги ва уларнинг бевосита кўрилишига таъсир қилмасида унинг ечими ҳам, шаҳарнинг бутун тарихий қисми сингари, қадимги Самарқанднинг иморатлари колорити ва умумий характерини максимал даражада савқлаб қолиш ҳамда уларга урғу беришга қаратилган.

ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР

Туристлар маршрутларини ташкил этиш бўйича умуман шаҳарда қуйидагилар қабул қилинган:

1. Маршрутлар ҳар бир туристнинг уч кунлик ташрифини ҳиобга олиб ташкил этилади.
2. Маршрутлар қуйидагича тақсимланади: биринчи кун – шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган ёдгорликлар асосий ансамбллариининг томошаси; иккинчи кун – Афросиёб ва шаҳарнинг турли жойларидаги ёдгорликлар гуруҳларини кўриш; учинчи кун – шаҳар ташқарисидаги тарихий манзилларга саёҳат. Марказнинг лойиҳавий ечимига биринчи

маршрутнинг қуйидаги схемаси киритилган: Университет хиёбонида жойлашган меҳмонхоналардан Гўри Амир ансамблига, Оксарой-Рухобод орқали томоша майдончасига чиқиб, шаҳарнинг бутун тарихий қисми манзарасини кўриш, Чашмадаги сув хавзаларига тушиш ва Кумуш расталаридан Регистонга, музейларга, очик ҳавода юриб, Тошкент кўчасидан Бибиҳоним ва Шоҳи Зинда ансамблига бориш.

3. шу маршрут бўйлаб туристларга хизмат кўрсатишнинг бутун тармоғини ташкил этиш белгиланган.

Иккинчи маршрут – (транспортда) – марказдан ташқарида бўлган ёдгорликларни кўриш: Афросиёб, Улуғбек расадхонаси, қадимий дарвозалар ўрнини ҳамда томоша нуқталаридан шаҳар тарихий қисмининг панорамасини кўриш.

Меҳмонхона хизмати ва овқатланиш корхоналари турлари бўйича туристларни қуйидагича тақсимлаш таклиф этилади.

№	Номи	Суткада туристлар сони	Шу жумладан			
			меҳмон хона	Тур/базалар	мотеллар	кемпинглар
1	2	3	4	5	6	7
1.	Йўлланмалар бўйича туристлар	1500	-	1200	150	150
2.	Экскурсантлар	1000	5-	300	300	400
3.	Ўз режали туристлар	800	500	300	-	-
4.	Автотуристлар	200	-	-	100	100
5.	Хорижий туристлар	3000	3000	-	-	-
6.	Туристтик поездлар	1500	-	-	-	-
	жами	8000	-	-	-	-

Умумий овқатланиш муассасалари

№	Номланиши	Суткада туристлар сони	айланма	Ўтириш ўринлари
---	-----------	------------------------	---------	-----------------

				сони
1	2	3	4	5
1. Йўлланмалар бўйича туристлар	1500	2	750	
2. Экскурсантлар	2000	8	660	
3. Ўз режали туристлар				
4. Хорижий туристлар	3000	1	3000	
	6500		4410	

(туристик поездларсиз)

Қуйида туристларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, шаҳарнинг марказий қисмида жойлаштириладиган муассасалар ҳисоби келтирилади.

№	номи	Ўлчов бирлиги	Бутун ҳажм	Жумладан шаҳар марказида	
				ҳажм	га
1	2	3	4	5	6
1. меҳмонхоналар	Мест	3500	3500	14,0	
2. Турбазлар.	и объект	1800	800	5,0	
3. Туристлар уйлари		9	1	0,3	
4. Совғалар савдоси дўконлари	раб. мест	170	150	8,0	
5. Ошхоналар, кафе, ресторанлар		4410	3300	6,6	
6. Овқатланишнинг ихтисослашган корхоналари жами	пос. мест	1200	1200	2,5	
	-	-	-	31,4	

Учинчи маршрут – (транспортда) – шаҳар чегарасидан ташқарида жойлашган тарихий манзиллар (тош конлари, беданахона, Самарқанднинг “катта, кўҳна” деворларининг харобалари ва Темур замонида қазилган Дарғом канали). Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг туризм маркази сифатидаги Самарқанд аҳамиятини ҳисобга олиб, Шаҳрисабзга, Панжакентга, Бухорога ва Хивага махсусв маршрутлар кўзда тутилган.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Самарқанд шаҳри маркази ечимига қўйилган ғоя замонавийлик ва шаҳарнинг қадимги тарихи, қарама-қаршиликка киришмай, Ўзбекистоннинг йирик маданий-саноат марказларидан ва Ўзбекистон туризм марказларидан бирининг кўламига жавоб берувчи ягона макондаги организм яратилишидир.

Марказнинг меъморий макондаги ечими асосий йўналиш бўйлаб изчилликда жойлаштирилган ва хиёбонлар, боғлар, сув ҳавзалари билан ўзаро боғланган алоҳида ансамбллар ва майдонларнинг мураккаб тизими яратилишини кўзда тутди.

Марказ таркибига кирувчи, ўз структурасига кўра турлича ҳудудлар композициясининг бирлигига контрастда қурилган асосий ансамблларнинг баланд бинолар гуруҳи билан уларни ўраб турган паст қаватли осойишта иморатлар ва кўкаламзорлар билан бирикмада ҳосил қилинадиган ечимида эришилади.

Умумшаҳар марказининг режалашга оид структураси бош режа схемасига киритилган ягона тизимнинг бир қисми ҳисобланади.

“Эски” ва “янги” шаҳарнинг тарихий шаклланган қисмлари доирасида у максимал даражада сақланган.

Шаҳарнинг лойиҳасида уларга белгиланган янги функцияларига кўра кўчаларнинг аҳамияти ҳам ўзгаради: бир хиллари йирик магистралларга. Бошқалари – пиёдалар йўлларига ёки маҳаллий миқёсдаги кўчаларга айланиб, уларнинг янги йўналишлар билан бирикуви марказ ва шаҳарнинг бутун доирасида транспорт ва пиёдалар алоқаларининг ягона тизимини яратади.

Шаҳарнинг марказий ўзаги ва тарихий ҳудуд асосий, серкатнов магаитраллар тизими билан ўралган: шарқдан, “эски” шаҳарни айланиб ўтиб (Тошкентга ташқи йўл), жанубга, Самарқандни Оҳалик дам олиш ҳудуди билан боғловчи йўналиш бўйича узлуксиз ҳаракатли ярим халқали

магистрал, ғарбдан – аэропортдан Охунбобоев кўчаси ва Ўзбекистон кўчасидан Дарғомдаги боғ ҳудудига боровчи магистрал.

Марказнинг узунлигини ҳисобга олиб, уни кўндаланг йўналишларда кесиб ўтувчи бир қатор магистраллар лойиҳалаштирилган: шимолда – Титова-Кожевенная, Горкий номидаги хиёбон охирида – узлуксиз қатновли ярим халқа магистрал ва марказда дублёрига эга узлуксиз қатнов магистрالي. У шаҳарни кесиб ўтади ва Тошкент ҳамда Бухорор йўналишларига чиқади. Магистралларнинг пиёдалар йўналишлари билан барча кесишмалари турли сатҳларда ҳал қилинган.

Марказий ўзак ичида марказнинг турли ҳудудларини ўзаро ва шаҳарнинг алоҳида ҳудудларини марказ билан алоқасини таъминловчи магистраллар тизими кўзда тутилган. Улардан асосан марказ объектларига хизмат кўрсатувчи бинолар, машина тўхташ жойлари ўрин эгаллаган.

КОМПОЗИЦИОН ФАОЛИЯТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

III-боб. Самарқанд шаҳри тузилишида композицион алоқаларни ташқил этиш

1. Бош режа лойиҳаси боскичида Самарқанд шаҳрининг композициясин яратиш

Мазкур таҳлили мақсади шаҳарнинг ташқи маконларидан қаралганда марказдаги иморатлар панорамаси ва шакл-шамойилини кўриб қабул қилиш қонуниятларини аниқлашдир.

Композиция бутунлигига эришишнинг энг муҳим воситаси унинг иерархик, мутаносиб ва коммуникатив тузилишидир. Бироқ, эски шаҳар муҳитининг эстетик фазилатлари бош мезони шаҳарнинг мураккаб қиёфасини шакллантирувчи яхлитлиги бўлиши лозим. Ушбу яхлитлик асосида шаҳар маконида мўлжал олишнинг шаклланган тизимини унга хос контрастлар, акцентларни қўйиш тамойиллари, визуал диққатни кўчириш ритмлари билан бирга ривожлантириш ва сақлаб қолиш ётади.

Шунга кўра, атроф муҳитнинг визуал таҳлили алоҳида аҳамият касб этади – ҳажмни шаклли акс эттириш ва кишининг эски шаҳар муҳитида ҳаракатланиши жараёнида кўриш таассуротлари изчиллиги методларини ишлаб чиқиш. Ягона композицион вазиятни тиклашда бу алоҳида муҳимдир.

Архитектура ёдгорликларининг замонавий визуал таъсири соҳасини гарофотаҳлилий баҳолашнинг энг соддалаштирилган услубларининг кўлланилиши шуни кўрсатадики, улардан аксариятининг атроф муҳити “яланғочланиши” оқибатида маконни ритмлашнинг одатий, тарихий шаклланган тизими ва у билан боғлиқ кўриш-эмоционал эффектларга путур етказди. Самарқандда – бу Чорсу майдони, Регистон кўчасини ўз ичига олган Регистон худуди, Бухорода Арк атрофи. Шаҳарнинг тугалланганлик даври макондаги режага оид тузилишини унинг замонавий аҳволи билан қиёслаш архитектура ёдгорлигини бевосита намоён бўлиши хусусиятларидан ташқари баланд белгилар (миноралар, пештоқлар, гумбазлар) таъсирини баҳолаш имконини ва шу билан бирга уларнинг одатий шакл-шамойилини бузувчи янги ҳажмларни баҳолаш имконини беради. Шу сабабли асосий эътибор турар жойдан шаҳарнинг “томошабоплиги”, унинг қиёфаси динамикаси ҳақида тасаввур туғдирувчи манзилларга бориш йўлини ўраб турган акцентлар характери ва частотаси тўғрисидаги визуал маълумотни тузишга қаратилади.

Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий режаси бўйича И.И. Ноткин ва Е. Брюховецкаялар шаҳарликнинг шаҳар марказига ташрифининг ўзига хос йўналишини ишлаб чиқишди. Ушбу ишнинг натижаси ўлароқ бинолар шаклланиши қонуниятлари ва уларнинг намоён бўлиши даражасини аниқлаш амалга оширилди ҳамда Самарқанд шаҳри мисолида кўриш-эмоционал эффектларни белгилаш ва баҳолашнинг И.И.Ноткин томонидан тизими ишлаб чиқилди.

Шаҳарнинг меъморчилик муҳитини кўриб қабул қилиш ўзининг ранг-баранг шароитлари ва қонуниятларига эга. Уларни ўрганишга кўп сонли

тадқиқотлар, шу жумладан Ўрта Осиё шаҳарларининг кўринишини таҳлил қилишнинг юқорида келтирилган методикаси ҳам бағишланган. Улардан фарқли ўлароқ, биз Самарқанд шаҳрининг замонавий плани бўйича, иморатларнинг маконда меъморий тузилишининг муҳим масалалари билан боғлиқ айрим муҳим аспектларинигина ўрганиш бўйича натур тажрибалар ўтказдик.

“Шаҳар қиёфаси” тушунчаси объектив мавжуд воқеликнинг акс этишидир, образ эса шу воқеликнинг инсон онгида субъектив идрок этилиши натижасини белгилайди ҳамда шу вақтда амалдаги инсоннинг ижодий имкониятлари, ғоявий-бадий тасаввурлари ва мезонларига боғлиқ бўлади. Ушбу тушунчалар ўзаро таъсирда ва эстетик категориялар мақомига эгадирлар.

Марказ қиёфасининг шаклланиши шаҳарнинг бутун макондаги меъморий муҳити ва унинг таъсир ҳудудининг чамбарчас ўзаро алоқаси ҳамда ривожланишида юз беради. Бундай муҳитда меъморий шакл яхлит тизимнинг барча хусусиятларига эга бўлади. А.С.Кравцнинг таърифига кўра, тизим “Атроф муҳитдан ўзига хос тарзда ажралган, ички алоқалар ёки муносабатлар йиғиндиси билан ўзаро боғланган элементларнинг яхлит жамланмасидир”.

Шаҳарнинг ички алоқалари ихчамлиги ва қулайлигини таҳлил қилиш методикаси И.Н. Потайний томонидан К.Доксиадис назарияси асосида ишлаб чиқилган. Доксиадис Европанинг антик ва ўрта асрларга оид шаҳарлари мисолида шаҳарнинг очик маконларини ўзлаштириш зичлигини ҳамда агора ёки ратушагача пиёда етиб боришнинг ўртача масофаларини аниқлаштиришган.

И.И. Ноткин томонидан амалга оширилган “турар жойдан марказгача” йўналишда шаҳарни томоша қилиш шароитининг тадқиқи Г.Нишенинг қатор ишларига яқин. Элементларнинг жойлашиши шакли ва томонлар ҳамда хусусиятлар ўзаро таъсири “структура” тушунчаси билан тавсифланади. Структуранинг яхлитлик хусусияти муҳим, у тизимдаги

барча алоқалар ва муносабатлар амал қилишининг умумий кўламидан иборат. “Структура тизимнинг барча элементларини ягона ипга тизади, тизимнинг яхлитлик хусусиятини намоёни этади”.

Мазкур таҳлили мақсади шаҳарнинг ташқи маконларидан қаралганда марказдаги иморатлар панорамаси ва шакл-шамойилини кўриб қабул қилиш қонуниятларини аниқлашдир.

Композиция бутунлигига эришишнинг энг муҳим воситаси унинг иерархик, мутаносиб ва коммуникатив тузилишидир. Бироқ, эски шаҳар муҳитининг эстетик фазилатлари бош мезони шаҳарнинг мураккаб кифоасини шакллантирувчи яхлитлиги бўлиши лозим. Ушбу яхлитлик асосида шаҳар маконида мўлжал олишнинг шаклланган тизимини унга хос контрастлар, акцентларни қўйиш тамойиллари, визуал диққатни қўчириш ритмлари билан бирга ривожлантириш ва сақлаб қолиш ётади.

Шунга кўра, атроф муҳитнинг визуал таҳлили алоҳида аҳамият касб этади – ҳажмни шаклли акс эттириш ва кишининг эски шаҳар муҳитида ҳаракатланиши жараёнида кўриш таассуротлари изчиллиги методларини ишлаб чиқиш. Ягона композицион вазиятни тиклашда бу алоҳида муҳимдир.

I сатҳ: ҳудудлар тизими билан умумшаҳар марказининг ўзаги; шаҳар комплексининг ҳажм-макон композицияси билан акцентлар – жамоатчилик мажмуалари, композицион тугунлар, шаҳарни асосий ва четки ҳудудлар билан боғловчи магистраллар жойлаштирилиши орасидаги ўзаро боғлиқлик.

II-сатҳ: шаҳарнинг режалаштирилган ҳудудлари, туманлари, шаҳарга кириш жойларидаги шаҳар миқёсидаги жамоатчилик марказлари. Бу муҳитда транспорт ва пиёдалар ҳаракатланишини тартибловчи шаҳар акцентларининг қўйилиши. Шаҳар миқёсидаги районларни марказ ўзаги ва меҳнат манзиллари билан боғловчи шаҳарнинг ички магистралларини ички (ёпиқ майдонлар) ва ташқи композицион тугунларга ажратилиши.

III-сатҳ: локал аҳамиятга эга турар жой ҳудудларининг жамоатчилик марказлари; композицион тугунлар, эски шаҳар муҳитининг сигнал мўлжал хусусиятлари, маҳаллаларнинг марказ умумшаҳар тизими билан алоқасини таъминловчи шаҳар ва район магистраллари; ушбу режада акцентлар коммуникациясини, пиёдалар ҳаракатланиши такрорлари сонини қайд этувчи характер ва частота акс этади, яъни атроф муҳитдан таъсирланиш ритми ҳақида тасаввур шаклланади.

I сатҳга тааллуқли режалаштириш структурасининг элементлари ҳоким, II ва III сатҳ эса тобе мавқега эга.

Ҳар қандай архитектура шаклининг яхлитлиги нисбий, зеро у доим ўзини ўраб турган табиий шароит билан боғлиқдир.

2.Марказий ҳудудларнинг композициясини меъморий-лойиҳавий ташкил этиш

Шаҳар ва марказнинг замонавий режасида табиий ландшафтли негизнинг яхлит макон элементлари ва турли сатҳларда ландшафт комплекслари аниқланмоқда, тарихий тараққиётнинг турли босқичларидан сақланиб қолган режали структура ва иморатларнинг яхлит участкалари алоҳида ажралиб туради.

Ушбу таҳлилнинг мақсади – рельефнинг ландшафтли мажмуаларини таркиб топтирувчи элементлар орасидаги маконга оид ва визуал ўзаро алоқалар характерини белгиловчи маконга оид структурани ҳамда ландшафтли мажмуалар структурасини тикламоқдир.

Шаҳар марказида жойлаштирилган олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари

№	номи	Талабалар сони		Ер майдони га	изоҳ
		Ҳозирда киши	Лойиҳада киши		
1	2	3	4	5	6

1. Давлат университети	4800	7000	40,0	Шаҳар ташқарисида ишлаб чиқариш базаси
2. Кооператив савдо Институти	1560	2500	15,0	
3. Архитектура- қурилиш институти	1050	7000	25,0	
4. Маданий-маърифий техникум	-	900	8,0	
5. Тарихий-архив техникуми	-	600	2,0	
6. Муסיқа ўқув юрти	250	4000	2,0	
7. Санъат ўқув юрти	-	400	2,0	
8. Турли Тармоқ ИТИ	86	400	26	
Всего:	-	-	115,0	

Микрорайонлар бўйича аҳоли ҳисоби (тарихий зона)

Микрорайонлар	Умумий худуд га	жумладан			М2/га зичлик	Яшаш майдони	9 м2/ки ши ҳисоби да аҳоли
		Қўриқл анувчи худуд	Бошқа объект.	Турар жой худуди			
1	2	3	4	5	6	7	8
Микрорайон №1 (тарихий худуднинг марказий қисми) 1-этажа	105,0	36,0	21,0	48,0	800	38400	4200
Микрорайон №2 (Восточная Пенджикентская к.) этаж 1-2-9	23,0	-	-	23,0	2200	50400	5600
Микрорайон							

№3(Восточная Пенджикентская к.) этаж 1-2-9	27,0	2,0	2,0	23,0	2200	50400	5600
Микрорайон №4 (Пенджикентская, Сўзангарон к.) этаж 1-2-9	43,0	4,0	3,0	36,0	1500	54000	6000
Микрорайон №5 (Сўзангарон- Даҳбед к.) этаж 1- 2-5-9	43,0	5,0	-	38,0	1400	53100	5900
Жами тарихий худудда	241	47	26	168	-	246300	27,3

Болалар ва мактаблар муассасалар ҳисоби (тарихий худуддаги
микрорайонларда)

Микрорайон номи	Аҳоли	Минг кишига меъёр	Жам и ҳажм	Объект лар сони	2 1 объект ҳажми	изоҳ
Микрорайон № 1 боғча, мактаб	4200	100 180	420 756	3 -	140 -	№2 микрорайонда
Микрорайон № 2 боғча, мактаб	5600 - -	10 180	560 1008	2 1	280 1104	
Микрорайон № 3 боғча, мактаб	5600 - -	100 180	560 1008	2 1	280 1496	Жумладан №1 микрорай ондан 486 ўрин
Микрорайон № 4 боғча, мактаб	6000 - -	100 180	600 1008	2 1	280 1104	
Микрорайон № 5 боғча, мактаб	5900 - -	100 180	590 1062	2 1	280 1176	Жумладан №1 микрорай ондан 70 ўрин
Турар жой тумани маркази (жамоатчилик)	23100	-	-	1 объект	-	Микрорайон 1 савдо ва умумий овқатланиш хизмат

						кўрсади Регистон ва Тошкент кўчаларида марказ м-н 2,3,4,5 кўп қаватли уйларга маиший, савдо хизматлари кўрсатилади
--	--	--	--	--	--	---

Шаҳар маркази ҳудудининг баланси (йириклаштирилган элементлари
бўйича)

№	Номи	жами га	В том числе		
			участкалар	дарахтзорлар	Кўчалар, майдонлар, тўхташ жойлари
1	2	3	4	5	6
1.	Маъмурий ҳудуд	25,0	13,5	8,5	8,0
2.	Савдо ҳудуди, коммунал- маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш объектлари	47,0	40	2,0	5,0
3.	Маданий- маърифий ва томоша корхоналари	54,0	41,0	7,0	6,0
4.	ҳудуди	29,0	16,5	4,5	8,0
5.	Иш маркази	57,0	31,4	20,6	5,0
	Туризмга хизмат	47,0	-	-	-
6.	кўрсатиш маркази	10,0	-	-	1,0

7.	Ёдгорликлар худуди	116,0	-	-	3,0
8.	Меҳмонхона комплекси	5,0	1,6	2,4	1,0
9.	Таълим муассасалари ва	40,0	8,5	20,0	1,5
9.	ИТИ худуди	29,2	23,2	5,0	1,0
10.	Даволаш муассасалари	125,0	-	-	20,0
11.	Болалар	904,0	-	-	-
11.	шаҳарчаси				
12.	Дарғом олди	27,8	-	-	-
12.	режасидаги марк.				
13.	Спорт худуди				
14.	Яшаш худуди				
14.	Овқатланиш объектлари ва	137	-	135,0	-
15.	бўлимлари				
15.	Боғлар, хийбонлар ва сув	224,0	-	-	-
16.	ҳавзаларии				
16.	Умумшаҳар ва	1280,0	-	200,0	66,0
16.	туман миқёсидаги				
16.	магистраллар	250			
16.		250			
17.	Афросиёб				
18.	Дарғомдаги				
18.	далаҳовлилар				
18.	Жами				

3. Турар жой ва яшил ҳудудларни композициясини меъморий лойиҳавий ташкил этиш

Шаҳар ландшафти тизимида 4 сатҳли маконда иерархик структура намоён бўлади(иловага қаралсин):

1-сатҳ: шаҳарнинг иморатларни кўришни амалга оширадиган ташқи йирик манзилини шакллантирувчи устувор ландшафт комплекслари; табиий бош композицион ўқ – магистрал йўллар; қирлар чўққиларининг четлари ёки адирлар қирралари, табиий ва сунъий сув томирлари, кўриб идрок этишнинг бош режалари.

Уларнинг таъсирида иморатлар композициясининг дастлабки тавсифлари шаклланади ва унинг кейинги ҳажм-макондаги ривожланиши ҳам шуларга боғлиқдир.

2-сатҳ: магистрал кўчалар ва шаҳар миқёсидаги сув томирлари билан боғлиқ шаҳарнинг йирик ички маконларини ташкил этадиган иккинчи сатҳ етакчи (ўзаро тобе) ландшафтли мажмуалар: улар ўзаро тобе табиий ўқларни ва кузатиш режаларини яратади.

3-сатҳ: унчалик катта бўлмаган маконларни шакллантирувчи локал ландшафтли мажмуалар, бу – шаҳар миқёсидаги магистрал кўчаларга чиқувчи, шаҳарнинг ҳам ташқи, ҳам ички маконларида (маҳалла марказлари мисолида) кўришнинг локал табиий ўқлари ва режаларини ҳосил қилувчи пиёдалар йўллари.

4-сатҳ: шаҳар фон тўқимасининг табиий ўзига хослигини таъминловчи ландшафт элементлари (уларнинг гуруҳлари).

Шаҳарнинг асосий архитектура ансамбллари кўпинча уларда шаҳар ичида визуал мўлжал олиш тизимини ҳосил қилувчи баланд меъморий етакчи иншоотлари жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Динамик кузатишда икки ўзига хос йўналишда: объект томонга ва ундан ҳаракатланганда тезликка боғлиқ ҳолда кўриш объектлари ўзгариши ҳисобга олинган.

Самарқандда ўз табиатига кўра бир хил бўлган ва шартли равишда фон иморатлар категориясига киритиш мумкин кам қаватли турар жой муҳитининг макондаги мўлжали усуллари долзарб ва ибратлидир. Ҳаракатланиш йўллари чорраҳаларида турар жой муҳитида мўлжаллар сифатида нафақат алоҳида жамоатчилик бинолари (маҳалла масжидлари ва

унча катта бўлмаган мадрасалар), балки улар ёнида ва алоҳида турган ҳовузли дарахтзорлар ҳам хизмат қилиб келган. Шу каби мўлжалларга коммуникацияларнинг йўлаксимонлиги (ўзан кўча), иморатлар ичига ўзига хос тармоқланишларни, акцентли ҳажмларни қуйишда аритмияни, индивидуал ҳал қилинган жамоатчилик биноси шакли билан беркитиладиган, қисқа истиқбол ҳосил қилувчи кўчалар эгрилигини ҳам кўшиш мумкин. “Кўшмадраса” ансамблига яқинлашиб келиш қисмида кўчанинг эгриликлари янги ракурслар пайдо бўлишини белгилаб, улар ансамбл томонга қатъий тўғри чизик бўйлаб ҳаракатлангандигига караганда анча боровқ эканлиги аҳамиятлидир.

Самарқанд мисолида ўрганилган “ўзан кўчалар” муюлишларида устуворлигининг “йўқолиши” билан пештоқли масжидларнинг визуал “узоқдан кўрилиши”нинг бирикиши ҳодисаси шаҳар муҳитининг кўриш-эмоционал эффектлар билан бир маромда юқори даражада тўйинтирилишини юзага келтиради. “Кечинма” коммуникацион маконининг пульсацияси тахминан 100 метрни ташкил этади. Пентагонал тўрга яқин ориентацион каркас чизмаси турар жой кўчалари ва йирик мажмуаларга яқинлашиб келишда Самарқанд маҳалла масжидларининг муҳим мўлжал-сигналли ролдан далолат беради. Маҳалла чегараларининг маҳалла масжидлари жойлашуви билан қиёлиш уларнинг визуал жозибаси кўп жиҳатдан маҳалла жамоатчилиги тузилиши билан ҳал қилинганини тасдиқлайди.

Жамоатчилик мажмуасининг макон тизимидаги интерьерлик қирралари ва унинг мўлжал сифатидаги вазифасини сақлаб қолишга интилиш дастлабки ержалаштириш вазиятини ўзгартиришдаги ҳажм-макон ечимлари усулларида кўзга ташланади (кўчалар чорраҳалари). Ҳудуд ёпиқ, яримочиқ ёки очик турдаги, гўё кўчани узиб қўяётган ҳовли макони тамойиллари бўйича ривожланади. Ҳовли ўзаги шундай тузилганки, уни транзит кесиб ўтмайди. Ҳовуз, айвон, масжиднинг катта хонаси ички ва ташқи визуал очилишлар ранг-баранглигига эга

асимметрик воҳа ҳудудини шакллантиради. Ташқи алоқалар кўпайиши билан (маҳалла масжидларига йўналтирилган кўчалар) ёки шу маконнинг тугалланиши ёхуд бир қисми пиёдаларнинг мажмуа ўзагига яқинлашиб келаётганига урғу берадиган бир неча тармоқларга бўлиниши юз беради.

Қир-адирларнинг юқори нуқталаридан ва кўп қаватли бинолардан кузатишнинг катта масофасини ҳисобга олиб, кадрлар кўп ўзгармаслиги ва кўриш шароитининг аста-секин ўзгартирилишида динамик кузатишнинг узлуксизлиги эътиборга олинади. Алоҳида эътибор манзалар алмашиниши ва масофалар ўзгаришида кўриб идрок этиш қонуниятларига қаратилган. Айрим оптик эффектлар ва кўриш иллюзиялари (ракурслилик, кутилмаганлик ва бошқ.) ҳисобга олинган. Асосий манзара нуқталари, ўқлари ва фронтлари адирнинг баландлиги, кўп қаватли бинолар ва энг муҳим шаҳарсозлик тугунларининг ўзига хос шароитида шакллантирилади. Айланма кузатишдаги ҳар бир нуқтага бош ахборотни ўзида ташувчи ва кузатувчининг энг кучли эмоционал-эстетик муносабатини келтириб чиқарувчи манзалар мос келади.

III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Алоҳида манзиллар, тарихий ҳудуд қайта таъмирини замонавий қурилмалар асосида сақланиб қолинган иморат қиёфасига ўз масшаби ва пластикасига кўра яқинлашувчи ечим яратиш имконини берадиган композицион усулларни ҳисобга олиб режалаштириш зарур.

Иморатни ташкил этишнинг композицион усуллари ёдгорликларга бевосита яқин жойлашган бир қатор янги бинолар таъсирининг заифлашувини (алоҳида ҳолларда уларнинг бузилишини истисно қилмасдан) ҳисобга олиши лозим.

Тарихий ҳудуднинг ҳовузлар ва дарахтзорларни сақлаб қолган ҳолда турар жой массивларининг анъанавий шаклланган структураси максимал даражада ҳисобга олиниши керак.

Марказнинг бош архитектура тугунларининг ечимлари учун композицион асос ягона, миоратлар, дарахтзорлар ва сув ҳавзалари уйғунлигида қурилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Таянч миоратлар ва шаклланиб бўлган магистрал кўчаларнинг сақланиши.

Лойиҳанинг кейинги босқичларида “эски” шаҳарнинг бутун ҳудудида тарихий қимматга эга турар жойлар, алоҳида иншоотлар, қазилма ишлари учун банд қилиниши мумкин бўлган манзилларни аниқлаш мақсадида тарихий-археологик тадқиқотлар ўтказилиши зарур.

АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР

Кузатув нуқталарини шундай ҳудудлардаги энг қимматли манзалар билан боғловчи визуал ўқларни бош манзарали йўналишлар деб қараш мумкин. Улар шаҳар иморатларининг асосий композицион алоқаларини шакллантиради ва шу сабаб муҳофаза қилинади. Самарқанд мисолида Ўрта Осиё шаҳарлари ансамбллариининг визуал намоён бўлиши (иловага қаралсин).

Кузатув узоқлашиши учун баландликнинг ўзгариши билан ҳудудларда кўриш шароити ҳам ўзгаради. Текис рельефда кузатувни чеклаб қўядиган сабаблар пайдо бўлади. Аксинча, белгилар кўпайиши ва кузатув нуқтасининг узоқлишиши билан кузатилаётган ҳудуд қамровининг чуқурлиги ва кенглиги кўпаяди. Чуқур кўра олиш қонуниятларини аниқлаш учун кузатиш бурчагига боғлиқ ҳолда унинг шароити ўзгаришини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, инсон бутун ахборотнинг 80-90 %ини кўриш аъзолари орқали қабул қилади. Инсон монокуляр кўришининг бутун майдонини шартли равишда уч ҳудудга ажратиш мумкин: марказий кўриш (-2 даража), бунда деталларнинг энг аниқ фарқланиши имконли; равшан кўриш (30-55 даража), бунда ҳаракатсиз нигоҳда предметни майда

деталларнинг фарқига бормай таниш мумкин; периферик кўриш (75-90 даража), бунда предмет кўрилсада, танилмайди. Кўриб идрок этиш учун оптимал қуйидаги ўлчамлар ҳисобланади – вертикал бўйича 37 даража, горизонтал бўйича 188 даражага тенг бурчакни максимал қамраб олиш имконини беради.

Кузатув майдони чегараси хусусияти кўриш ўткирлиги ҳисобланади. У кўз билан фарқланувчи предметнинг минимал ҳажмларига тескари катталиқ сифатида аниқланади.

Объектларни фазода кўриш, уларни визуал ўқиш ва англаш ҳам объектнинг ёрқинлигига, унинг фонга нисбатан контрастлигига, кузатиш вақтига, кўришнинг ранг-баранг шартларига (метеорологик ва бошқ.) боғлиқдир. Бунда статик кўришни фарқлаш лозим, яъни меъморий макон муҳити, шаҳарни бир нуктадан кўришни ҳамда макон ва замонда динамик юз бераётган кўришни, яъни ҳаракатда кўришни фарқлай билиш зарур. Алоҳида архитектура объектини статик кўриш кузатув ҳудуди билан белгиланади.

Кузатиш ҳудудининг муҳим хусусиятлари – кузатув масофаси ва кўриш бурчаги кабилар. Бироқ объектлар ҳақиқий катталигини ва кузатув бурчаги ҳамда масофасини билиш бу ерда етарли бўлмайди. Адабиётларда архитектурани фазода кўришни тавсифловчи. Кўпинча бир-бирига зид маълумотларнинг энг камида уч гуруҳини учратиш мумкин.

Композицион тугунлар, ўқлар шаклланган жойларда ва энг кучли визуал шароитларда юқори архитектура фаоллиги ҳудудлари яратилади. Шундан келиб чиқиб, уларни аниқлашни қуйидаги тартибдаги архитектур фаоллик даражасига кўра ҳудудни танлашда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- 1- сатҳнинг энг асосий композицион тугунлари шаклланувчи, намунавий меъморчилик ансамбллари ва шаҳарнинг етакчи бинолари яратилувчи, тарихий-меъморий мажмуаларнинг композицион таъсири ёки алоҳида объектлар (улар мавжуд

бўлса) таъсири тўлиқ намоён бўлувчи ҳамда бетакрор ландшафтлари бўлган, шаҳар шаклу шамойилининг энг муҳим фарқловчи қирралари шаклланувчи энг юқори архитектура фаоллиги ҳудуди;

- 2 – сатҳнинг асосий шаҳар композицион тугунлари, архитектура ансамбллари ва етакчи бинолари, шаҳарнинг панорамалари ва шакллари яратилувчи, ландшафтли мажмуаларнинг фарқланувчи қирралари намоён бўлувчи юқори архитектура фаоллиги ҳудуди;
- 3-сатҳнинг композицион тугунлари ташкил топадиган, локал ансамбллар, шакллар ва панорамалар шаклланадиган, айрим мажмуаларнинг муҳим қирралари намоён бўладиган архитектура фаоллик ҳудуди; алоҳида комплекслар, ансамбллар, кўчалар, майдонларнинг ландшафт элементлари билан бирикувда фарқланувчи қирралари намоён бўлувчи фон иморатлар ҳудуди.

У ёки бу майдонларда қурилишнинг аниқ композицион ечими ҳар бир ҳудуда локал табиий, шаҳарсозлик типологик шароитларига боғлиқ бўлади.

Бизнинг мисолимиз учун ландшафт билан шаҳар қурилиши бирикувининг қуйидаги турлари учрайди:

- рельефнинг энг баланд жойида, кўкаламзор бўшлиқларда алоҳида массивлар тарзида;
- ёпиқ майдонларда, фон иморатлар билан ўралган кўкаламзор бўшлиқларда;
- очик кўкаламзор бўшлиқлардаги ярим ёпиқ майдонларда;
- осмон фонидаги очик майдонларда, очик кўкаламзор бўшлиқларда алоҳида массивлар тарзида;
- қирлар этагида, ёнбағрида ва уларнинг чўққисида (Шоҳи Зинда мақбарасининг жойлашуви).

Худуднинг архитектура фаоллиги унда шаҳарнинг тарихий-меъморий имкониятлари мавжудлигида ўсиб боради, шу сабабли шаҳарнинг тарихий ҳудудидаги унинг аҳамиятини, янги қурилишлар билан ўзаро муносабатини ва кўчалар давомийлигидаги умумий салмоғини аниқлаш муҳим.

Бир хил хусусиятли бўлмаган ҳудудлар қшилиши, типологик хусусиятлиҳар хил мажмуалар мавжудлигини ҳамда иморатни кўриш шароитини ҳисобга олиб, таҳлилнинг кейинги босқичларида иморатлар композицион тузилиши шароитини аниқлаш ҳам муҳимдир.

Динамик кузатувнинг (статик кузатув ҳаракатланишнинг хусусий ходисаси сифатида қаралади) қуйидаги энг типик шароитларидаги кўриш эътиборга олинди:

- кузатув нуқталари, ўқлари, манзара фронтларидан;
- рельефнинг юқори ва қуйи нуқталаридан (Кўҳак адири, Чўпон Ота);
- кўп қаватли бинолардан;
- магистрал кўчалар, пиёдалар йўллари, боши берк кўчалардан ҳаракатланишдаги узоқ ва яқин масофалардан;
- кенг ва чекланган кузатувда;
- манзалар узлуксизлиги, барқарорлиги ва ўзгарувчанлигида;
- марказга қараб ва ундан; визуал ўқлар, объектлар бўйлаб.

Алоҳида манзиллар, тарихий ҳудуд қайта таъмирини замонавий қурилмалар асосида сақланиб қолинган иморат қиёфасига ўз масшаби ва пластикасига кўра яқинлашувчи ечим яратиш имконини берадиган композицион усулларни ҳисобга олиб режалаштириш зарур.

Иморатни ташкил этишнинг композицион усуллари ёдгорликларга бевосита яқин жойлашган бир қатор янги бинолар таъсирининг заифлашувини (алоҳида ҳолларда уларнинг бузилишини истисно қилмасдан) ҳисобга олиши лозим.

Тарихий ҳудуднинг ҳовузлар ва дарахтзорларни сақлаб қолган ҳолда турар жой массивларининг анъанавий шаклланган структураси максимал даражада ҳисобга олиниши керак.

Марказнинг бош архитектура тугунларининг ечимлари учун композицион асос ягона, миоратлар, дарахтзорлар ва сув ҳавзалари уйғунлигида қурилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Таянч миоратлар ва шаклланиб бўлган магистрал кўчаларнинг сақланиши.

Лойиҳанинг кейинги босқичларида “эски” шаҳарнинг бутун ҳудудида тарихий қимматга эга турар жойлар, алоҳида иншоотлар, қазилма ишлари учун банд қилиниши мумкин бўлган манзилларни аниқлаш мақсадида тарихий-археологик тадқиқотлар ўтказилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Основы моделирования объемно-пространственной композиции исторических городов Узбекистана. Уринбаева М. Б. Самарканд-2008
- 2 Принципы и средства композиции в современной архитектуре. Сборник научных трудов Москва-1979..
- 3 Обработка информационных данных архитектурного наследия: проблемы и решения «Научные исследования в области архитектуры, организации и планирования строительства. – Самарканд, 1993, с. 27-32.
- 4 О создании экспертной системы «Самарканд Тезисы докладов 54 – ой научно – практикческой конференции профессорско – преподавательского состава, аспирантов и студентов КИСИ.- Киев, 1993,с.85.
- 5 Применение прикладной информатики в проблеме реконструкции исторической застройки «Сборник научных статей молодых учинных и студентов Сам Гаи.-Самарканд,1993,с.16-20.
- 6 Методы управления и развития исторических городов «Амир Темур ва темурийлар даврини тадқиқ этишнинг замонавий муамolari. Халқаро илмий – назарий анжуман материаллари. 12-14 июн 1996-йил. – Самарканд, 1997,с.47-49.
- 7 Темурийлар даври меъморчилик атамалари « Амур Темур ва темурийлар даврини тадқиқ этишнинг замонавий муамolari. Халқаро илмий – назарий анжуман материаллари. 12-14 июн 1996 йил. Самарканд, 1997, с. 4-5. Соавтор Б.Уринбаев.
- 8 Оценка архитектурного качества степени сформированности ансамблей при помощи прикладной информатика « сборник научных статей, посвященное к 50 – летию Киев НИИТИА и Га. 14-15 декабря 1996 года. – Киев, 1997, с. 16-19.
- 9 Принципы эстетического восприятия застройки «меъморчилик ва бинокорлик илмининг долзарб муамolari (Илмий ишлар туплами)- Тошкент, 1999,с.34-37. Соавтор:о.Салимов.

10 Суфизм ва мусулмон олами меъморчилиги атамалари, уларнинг матнда урни « матн ва унинг лисоний тахлилига оид тадқиқотлар. Халыаро илмий анжуман материаллари. 28-30 сентябрь, 1998-йил.- Самарканд, 1999, 25-26.

11 Формирования терминологической базыв архитектурном наследии и методы его описания «Самарканд давлат чет тиллар институти профессор-укитувчиларнинг IV илмий-назарий анжумани материаллари.- Самарканд, 1999,60-64.

12 Принципы построения внешних силуэтов и панорам. Исторически сложившихся городов « Фан, тиббиёт ва техналогиялар илмий журнали. Ижтимоий- гуманитар фанлар.- Тошкент, 1999, №2,51-56.

13 Меморчилик ва курилиш атамаларининг урганиш муаммолари « Талим муаммолари.-Тошкент, 1999,№ 3,38-42. Хаммуаллиф:Т.Файзиев.

14 Формирование терминологической базы в архитектурном наследии и методы его описания « вестник проблемы образования.- Ташкент, 1999, №3, стр.38-41.

15 Метод формирования графического изображения объекта «олий таълим ахборотномаси. Техник фанлар булимии.- Тошкент, 2000,№3, 211-216.

16 Эпохо темуридов- основа структурно-планировочного развития историческогогорода «Узбекистон архитектураси ва курилиш. – Тошкент, 2000, 1-сон, 18-20.

17 Шахарсозликдаги экологик муамолар «Бунёдкорлик, маънавий баркамоллик-соғлом авлод хизматида мавсумидаги илмий – амалий анжуман материаллари. – Самарканд, 2000, 67-73.

18 Архивизация на основе проведенного комплекс исследованияисторико – культурного потенциала Узбекистана «Профессор-укитувчи ва ёш олимларнинг 1999 йилда олиб борган илмий ишлари якунига бағишланган XXIX илмий-амалий конфренция маърузаларининг киска материаллари. – Самарканд, 2000, 120-121.

- 19 Роль архитектуры и градостроительство в социальном развитии общества «Парадигмы социального развития. Материалы международной конференции. – Самарканд, 2001, стр. 41-45.
- 20 Толерантность в исламской архитектуре « Жамиятда толерантлик муамоси (илмий маколалар). – Самарканд, 2002, стр. 93-98.
- 21 Эргономика фанидан укув – услубий курсатма.- Самарканд, 2002, -49.
- 22 Историческая концепция градостроительства «меъморилик ва курилиш муаммолари (Илмий-техник журнал). –Самарканд, 2004, №3, 41-46-бетлар. Хаммуаллифлар: Юлдашева М., Кушманов Т., Косимов А.
- 23 Пространственным и обрoзным аналогом магистрали является органически связанное с городом внегородское пространство-дорога.
- 24 Л.И.Кириллова. Архитектурная организация жилых комплексов. Сб. Архитектурная организация жилых и общественных комплексов. М., Стройиздат, 1976.
- 25 Ю.М. Лотман. Структура художественного текста. М., Искусство, 1970.
- 26 Н.Д.Кострикин. план города как основа формирования его художественного образа. Диссертация. М., Мархи, 1977, с. 103-104.
- 27 «методические основы реконструкции центральных районов крупнейшего города». НТО ЛенНИИП градостроительства. Л., 1975-1977.
28. Тунистойе маршруты Ло организации маршрутов туристов, в целом по городу принято следующее:
- 29 Маршруты организовываются из расчета трехдневного пребывания каждого туриста.
- 30 Маршруты распределяются: первый день - осмотр основных ансамблей памятников расположенных в центральной части города /пеший/, второй день - /поездка на автобусах/ осмотр Афросьшба и группы памятников, расположенных в различных районах города а третий - поездка по загородным историческим местам*

31 Б проектное решение центре заложена следующая схема первого пешего маршрута! аз гостиниц» расположенных на бульваре ян.Горького к ансамблд Гур-ЭмиргАк-оарай ;Рухэбад выход на видовуюплощадь, ля обозрения панорамы всей исторической части города - спуск к водоемам / на 4ашме/ я выход на Се ре бранные ряды «^Ре гас тану, не площадь с музеем на открытом воздухе, по уа» Ташкентской к Бйби-Ханым и к ансамблю Шаха- Зинда. доль этого маршрута намечается организация всей сети обслуживания ту* истов.

Второй маршрут * (на транспорте) - осмотр памятников находящихся в не зон. центра, Афросизб , обсерватория Улугбека, места древних ворот и осмотр панорамы исторической части города с видовых точек*

Третий маршрут - (на транспорте) - осмотр исторических мест располишенных вне границ города (каменоломни* не е елин- ный питомник, остатки древней стены "большого*1 Самарканда а канала Даргом, прорытого во времена Тим;

Креме тоге* учитывая значение Самарканда, как центра туризма Узбекской Респкблики предусматриваются специальные маршруты в Шахрисябз, Пенджикент, Бухару и азу.

Интернет сайтлари қуйидаги тартибда келтирилади:

1. <http://www.gov.uz/> (Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали).
2. <http://www.davarh.uz/> (Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва Қурилиш Давлат Қўмитаси портали).
3. <http://www.natlib.uz/> (Ўзбекистон миллий кутубхонаси)